

Абдуллаева Қ.М., Гаипова Н.С., Исмоилова М.

ТУЎҚИШНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

Тошкент - 2006

Мазкур ўқув қўлланмада тўғарак машғулотида ўқувчиларга ўргатиш учун тўқиш усуллари, чоклари, андоза асосида пилтакаш ва илмоқда турли хил буюмлар, безак деталларини тайёрлаш бўйича тавсиялар берилган.

Ўқув қўлланма малакали кичик мутахассис тайёрлайдиган «Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар» йўналишидаги коллеж талабарига мўлжалланган бўлиб, ундан ўқувчилар маданият марказлари тўғарак раҳбарлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

“Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ҳар жиҳатдан тараққий ҳамма соҳада ўзгаришлар бўлиши назарда тутилади. Ҳозирги кунда юз бераётган барча янгиликлар ва ўзгаришларни, бозор иқтисодиётининг ўзига хос талабларини ҳаётга татбиқ этган ҳолда педагогика касб-ҳунар коллежларида турли касблар бўйича мутахассисларни тайёрлаш кўзда тутилган. Шундай мутахассислардан бирини, яъни мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишларда тўғарак раҳбарларини тайёрлайдиган касб-ҳунар коллежлари фаолиятини ривожлантириш асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Миллий дастурда кўрсатиб ўтилганидек, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида талабаларга ўзлари танлаган касб-ҳунар йўналишлари бўйича махсус билимлар берилади ва касб-ҳунарга ўргатилади. Ҳозирги кунда бир ярим мингга яқин касб-ҳунар коллежларида турли хил йўналишдаги кичик мутахассислар тайёрланмоқда.

Малакали кичик мутахассис тайёрлайдиган касб-ҳунар коллежлари қаторига «Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар» йўналишидаги коллежларни киритиш мумкин. Мазкур коллежларда мутахассислик фанларидан «Тўқиш» ва “Тўқишни ўргатиш методикаси” фанлари ўқитилади.

Тўқувчилик касбини эгаллаш орқали қизларимизни ҳаётга тайёрлашдек зарур вазифа бажарилади, чунки ҳар бир аёл тўқувчилик сирларини билиши керак. Тиқувчилик касби қатори тўқувчилик касби ҳам шарафли касблардан бири ҳисобланади.

“Тўқишни ўргатиш методикаси” фанининг асосий мақсади бўлажак тўғарак ташкилотчисига тўқиш тўғарагини ташкил этишдаги таълим ва тарбия жараёнларини ўргатиш ҳисобланади. Шунингдек, тўқувчилик касби сирларини, уларни ҳар томонлама тарбиялашни ўргатишда зарур бўлган билим, кўникма, малакаларни ҳосил қилиш йўл-йўриқларини ўргатишдир. Бу фан “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Президент рисоаларини ҳаётга татбиқ этган ҳолда тўғарак машғулотлари жараёнида энг замонавий, жаҳон андозаларига мос бўлган таълим-тарбия бериш вазифасини қўяди. Шунингдек, фаннинг асосий вазифаси бўлажак тўғарак раҳбарларига тўқувчилик хонасининг моддий базаси, жиҳозланиши, кийимларни турли хил буюмларни тўқишда қўлланиладиган иш турларини

бажариш ва тўқиш жараёнида қўллаш, тўқиладиган кийимлар ва буюмларнинг хиллари ҳамда уларни тўқиш жараёнларини ўргатишда қўлланиладиган йўл-йўриқларни ўргатади.

Мактаб ва синфдан ташқари ишлар бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларида “Тўқишни ўргатиш методикаси” фанидан ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар мазмуни берилган. Фанни ўрганиш натижасида тўғарак ташкилотчиси қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак:

- тўғарак аъзоларининг эҳтиёжи ва қизиқишларини қондириш;
- тўғарак аъзоларини манбаалар устида мустақил ишлашга ҳамда пилтакаш ва илмоқда тўқишга ўргатиш;
- давлат таълим стандартлари талаблари асосида фан бўйича дастур ва тўғарак режасини туза олиш;
- ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш мақсадида давлат сиёсатини амалга ошириш, тўғарак аъзосини миллий анъана, ватанпарварлик, касбга муҳаббат руҳида тарбиялаш, халқ санъатини ардоқлаш;
- тўғарак аъзоларининг бўш вақтларини ташкил этиш;
- пилтакаш ва илмоқда тўқиш санъати тарихини билиш, уни тўғарак аъзоларига етказа олиш;
- пилтакаш ва илмоқда тўқишга тайёрлаш ва тўқиш асбоб-ускуналарида фойдаланишни ўргата олиш;
- тўқувчилик хоналарини жиҳозлашни ўргата олиш;
- пилтакаш ва илмоқда тўқиш жараёнида ҳалқаларни қўшиш ва камайитириш, шартли белгилар билан ишлай олиш кўникмаларини шакллантира олиш;
- тўқиш бўйича ватанимиз ва чет элларда чиқадиган журналларда берилган шартли белгиларни ўқиш, улар ёрдамида пилтакаш ва илмоқда тўқишни билиш;
- гавдадан ўлчов лдиб андоза тайёрлаш ва шу андоза бўйича буюмни пилтакаш ва илмоқда тўқишни ўргатиш.

“Тўқишни ўргатиш методикаси” қўлланмаси икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда фан бўйича ўқув режа, дастур, тақвим-мавзу режаси, тўғарак режаси ва уни тузиш, тўғарак жараёнида тарбиялаш, тўғарак машғулоти турлари ва уларни ташкил этиш шакллари, ўқитувчининг машғулотларга тайёрланиши, кўргазма қуролларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш йўллари, турли хил ижодий кўргазмалар ташкил этиш методикаси каби мавзулар ёритилган.

Иккинчи бўлимда тўқиш тўгараги учун моддий база, пилтакашда ва илмоқда тўқишни ўргатиш методикалари билан бир қаторда турли хил буюмларни тўқиш жараёнларини ўргатиш методикалари анъанавий ва педагогик технологиялар асосида олиб борилиши ҳақида маълумотлар берилган.

“Тўқишни ўргатиш методикаси” фани “Тикувчилик технологияси”, “Тикувчилик материалшунослиги”, “Математика”, “Чизмачилик”, “Расм”, “Педагогика”, “Психология” ва бошқа фанлар билан боғлиқ. Бу эса касб-ҳунар коллежида таълим олаётган ўқувчини ўқитилаётган барча фанларни чуқур ўрганишга ундайди ва ҳар томонлама камол топган инсон бўлиб етишишига замин тайёрлайди.

“Тўқишни ўргатиш методикаси” фани бўйича ушбу қўлланмани ёзишда ватанимизда ва хорижда чоп этирилган адабиётлар ва журналлардан фойдаланилди.

I БЎЛИМ. ТЎҚИШНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИНING УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

ТЎҚИШ ТЎГАРАКЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Пилтакаш ёрдамида қўлда тўқиш - қадимий ва оммабоп қўл меҳнати турларидан ҳисобланади. Трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноати қанчалик тез суръатларда ривожланишига қарамай, қўлда тўқилган кийим ва буюмларга бўлган қизиқиш йилдан йилга ортиб бормоқда, чунки танланган тўқув ипи ёрдамида инсон тўқиш ҳунарини мукаммал ўрганган бўлса, ўзининг дидига, талабига мос келадиган турли мавсумлар учун мўлжалланган хилма-хил кийимлар ва буюмларни қўлда тўқиб олиш имкониятига эга бўлади.

Ҳунар албатта ёшликдан ўргатилади. Юртимизда кўпгина ўқув фанлари амалий санъат турларига оид ҳунарларни ўргатиш билан бир қаторда тикиш, қўлда тўқиш ҳунарини ўргатадиган мактабдан ташқари муассасалар фаолият юритмоқда. Бу ҳунар ёш авлоднинг меҳнатга мухаббат, бадиий дид ва маҳорат, сабрлилик ва ижодкорлик туйғуларини шакллантиради. Қўлда тўқиш тўгараклари мактаблар қошида ҳамда мактабдан ташқари ўқув тарбия муассасаларида, маҳалла кўмиталари қошида ташкил этилади. Бу тўгаракларда ёшлар қўлда тўқиш тарихи, тўқув жиҳозлари ва иплари турлари, улардан тўғри фойдаланиш, тўқиш услублари, тўқилган буюм ва кийимларни керакли ўлчовда тўқиш, тўқилган кийимларга ишлов бериш, уларни асраш каби малакаларни эгаллайдилар.

Тўқиш тўгаракларида ишни тўғри ташкил қилиш – ёшларимизга уларнинг бўш вақтларини унумли ва мазмунли ўтказишларига, касбга йўллашга, ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлишларига ўз меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўлишларига имконият яратади. Тўгаракларда ишлар ўзлари оила аъзолари учун турли буюм ва кийимлар тўқишни ўрганиш билан бир қаторда тўгаракларда кўргазма материаллари сифатида қўлланиладиган чок турлари намуналари, кичик ўлчамдаги хилма хил буюмлар ва кийимлар тайёрлайдилар.

Тўгаракларда тўқишни ўргатиш жараёнида тўгарак аъзоларига турли декоратив буюмлар, уй безак жиҳозлари, ўйинчоқлар тўқишни ўргатишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай ишни бажариш жараёни кишининг ўзини кенгроқ намоён қила олишига имкон яратади, ижод қилишга, ишни санъат даражасига кўтаришга йўналтиради. Тўгарак аъзоларининг бажарган ишлари тўгарак

ишининг ҳисобот материали бўлади. Бу ишлар билан турли хил беллашув ва кўргазмаларда иштирок этилади. Кўргазмалар, беллашувларнинг ташкил этилиши эса, ўз навбатида тўғаракларга бўлган эътиборни, тўқишга, ҳунарга бўлган қизиқишни кенг жамоатчилик диққатини жалб этиш, тўғаракларга янги-янги ўқувчиларнинг келиши учун имкон яратади.

ТЎҚИШ ТЎГАРАГИ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Тўқиш тўғаракларида кўп йиллик тажрибаларга асосланиб машғулотлар икки йиллик дастур асосида олиб борилади. Тўғарак машғулотлари ҳафтада 2 марта икки академик соатдан ўтилади. Иккинчи йил шуғулланувчилар ҳажм жиҳатидан катта буюм ва кийимлар тўқиш билан шуғулланганлари сабабли тўғарак машғулотлари бир ҳафтада 1 марта 4 соатдан ўтилиши мумкин. Бунда машғулот ўртасида танаффус ўтказилиши лозим. Иккинчи ўқув йилида тўқиладиган буюмлар йирик ҳажмли ва иш кўп талаб қилади, шунинг учун тўғаракларга ҳафтасига бир марта ўтиш тавсия етилади.

Тўқиш тўғаракларига умумий ўрта таълим мактабларининг 4-9-синф ўқувчилари жалб этилади. Қуйи синф ўқувчилари 1-йил дастурида белгиланган мавзуларини осон ўзлаштирсаларда 2-йил дастурида белгиланган мавзуларни ўзлаштира олмайдилар. Шунинг учун, тўғараклар ишини ташкил этишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашув талаб этилади.

Тўғаракларга ўқувчиларни жалб этиш ўқув йилининг бошида (август ойининг охири сентябрнинг бошларида) бошланади. Мактабдан ташқари таълим-тарбия муассасаларидаги тўғарак раҳбарлари шу муассасага яқин жойлашган мактабларнинг директори ёки ташкилотчи ўқитувчиларига учрашиб, улар билан суҳбатлашгач, синфларга кириб ўқувчиларга керакли маълумотлар берадилар, турли хил тўқилган намуналар кўрсатиб, уларда бу ҳунарга қизиқиш уйғотадилар.

Тўғаракка қатнашиш истагини билдирган ўқувчиларнинг исм, фамилиялари, синфлари, турар жойлари ва телефон рақамлари, мактаби ёзиб олинади. Уларни ота-оналарининг исм фамилияси, иш жойи ҳақидаги маълумотлар тўғарак раҳбарининг журналида қайд этилади. Шунингдек, тўғаракка аъзо бўлган ўқувчиларга

машғулотлар ўтиладиган жой манзили, машғулот вақти, кимга учрашиш, нималар олиб келиш, қанча вақт шуғулланишлари ва тўғарак раҳбари тўлиқ исм фамилияси кабилар ёзма равишда маълумот берилади.

Тўғаракка ўқувчиларни жалб этишининг яна бир усули бу ўқувчилар кўп қатнайдиган йўлларда, мактаблар, маҳалла идоралари дарвозаларида эълонлар ёпиштириш бўлиб, эълонлар ҳаммага кўринадиган жойларга, тушунарли сўзлар ва йирик ҳарфлар билан ёзилиб ёпиштирилади. Бу эълонда тўғаракнинг номи, машғулот ўтиладиган манзил, машғулотлар жадвали (вақти, меъёри), машғулот ўтиладиган хона, муассаса ёки тўғарак раҳбарининг исм фамилияси, тўғаракка қабул қилинувчиларнинг иши, жинси каби маълумотлар кўрсатилган бўлади. Мурожаат учун муассасанинг телефон рақамлари берилади.

Тўғаракка аъзо бўлган ўқувчиларни гуруҳларга ажратишда аввало, уларнинг ёшларига эътибор берилади, яъни ёш жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган ўқувчилар бир гуруҳга жамланади. Ҳар бир гуруҳда 15-20 нафар ўқувчи бўлиб, улардан сардор танланади. Сардор тўғарак раҳбарига навбатчиларни тайинлаш, уларнинг ишларини назорат қилишга, ўқувчиларнинг давоматини кузатиб бориш каби ишларда ёрдамчи бўлади.

Тўғарак раҳбари ўқувчилар давоматини назорат қилиб журнал юритади. Журнал тўғарак раҳбарининг бажарган ишлари юзасидан ҳисобот бериши учун ҳужжат вазифасини ўтайди.

Ўқув йили якунида тўғарак раҳбари бошчилигида ҳисобот кўргазмаси ташкил этилади. Бу кўргазмада тўғарак аъзоларининг бажарган ишлари намуналари тақдимоти ўтказилади. Кўргазмага мактаб, маҳалла кўмиталари вакиллари, муассаса раҳбарлари, мактаблардан ўқувчилар, тўғарак аъзолари таклиф этиладилар. Улар намоёиш этган кўргазмадаги буюм ва кийимларига белгиланган ҳайъат аъзолари ўзларининг муносабатларини билдирадилар, ишларни баҳолайдилар ва тўғарак қатнашчиларига эсдалик совғалари топширадилар. Шу билан бир қаторда тўғарак раҳбари иш фаолияти ҳам баҳоланади.

Тўғарак раҳбари икки йил тўғаракда шуғулланиб, тўғаракни битирувчи ўқувчиларга ҳунарни янада чуқурроқ эгаллашлари учун керакли тавсиялар, йўлланмалар беради.

ТЎҚИШ ТЎГАРАГИ ЖАРАЁНИДА ТАРБИЯЛАШ

Тўғаракнинг ташкил этишнинг асосий мақсади тўғарак аъзоларига фақат тегишли билим, кўникма малакаларни беришдангина эмас, балки уларда меҳнатга, ижтимоий ва шахсий мулкка муносабатни, жамоа ва унинг аъзоларига бўлган ижобий муносабатларни тарбиялашдан ҳам иборатдир. Меҳнат топшириқларини бажаришда шахснинг жавобгарлик, виждонлилик каби хислатларни меҳнат интизомига амал қилган ҳолда жамоа бўлиб меҳнат қилиш малакасини, ижтимоий мулкка ғамхўрлик муносабатини тарбиялашдан иборатдир. Тўғарак аъзоларни тарбиялашнинг қуйидаги усуллари бор.

1. Жамоа бўлиб меҳнат қилиш, топширилган ишга жавобгарлик хиссини тарбиялаш.
2. Ўз-ўзини танқидий баҳолаш ва танқидий назорат қилиш, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиш хисларини тарбиялаш.
3. Онгли интизомни тарбиялаш.
4. Жамият ва шахс мулкига ғамхўрлик муносабатларини тарбиялаш.
5. Тўғарак машғулотларида бадий тарбиялаш.

Қуйида бу тарбиялаш усуллариининг ҳар бирида тўхталиб ўтилган.

1. Тўғарак машғулотлар жамоа бўлиб ишлашга ёрдам беради. Тўғарак аъзолари баъзи ишларни биргаликда, бир-бирига ёрдам бериб, ўринлар алмашиб, маслаҳатлашиб бажаришларига тўғри келади. Бу имкониятлардан тўғарак раҳбари тўғарак аъзоларини тарбиялашда кенг фойдаланиши керак. Тўғарак жараёнида тўғарак аъзолари ўзаро дўстлиги ва ёрдам, раҳбарлик ва бўйсунуш, жавобгарлик муносабатига, ўзаро талабчанлик ва иш юзасидан олиб бориладиган танқидий муносабатларга киришадилар. Тўғарак раҳбар бу муносабатларни камол топишини диққат билан кузатиш ва уларни тўғри йўналтириб туриши керак. Шунингдек, тўғарак раҳбари тўғарак аъзоларда ўз кучларига ишонч ҳосил қилдиришлари керак.

2. Айрим ҳолларда машғулотларда тўғарак раҳбари тўғарак аъзоларига ўз ишини баҳолашни таклиф этади. Бу эса тўғарак аъзосига тайёрланган буюмни синчиклаб текширишга, сифатини аниқлашга, ўз-ўзини танқидий баҳолаш хиссининг шаклланишига ёрдам беради. Кўникмаларни мустаҳкамлаш мақсадида тўғарак

аъзоларни ўз-ўзини назорат қилиш ишига доимий равишда жалб қилиши мақсадга мувофиқдир.

3. Тўғарак раҳбарининг доимий ва қатъий талабларини бажариш натижасида тўғарак аъзолари тўғарак жараёнида қабул қилинган қоидалар, иш усуллари ва ҳоказоларни аниқ ва онгли бажаришга аста-секин кўникадилар. Улар берилган иш маромини сақлашга, иш ўрнини намунали тутишга, асбобларни эҳтиёт қилишга ва бошқаларга одатланадилар. Тўғарак аъзоларга муваффақиятли меҳнат таълими бериш, мустақил меҳнатга, турмушга тайёрлашнинг муҳим шarti - интизомни йўлга қўйиш ва сақлашга шундай қилиб аста-секин эришилади. Талабчанликни тўғарак аъзоларга ишониш ва уларни ҳурмат қилиш билан бирга қўшиб олиб бориш - онгли интизомни тарбиялашнинг муҳим шартларидан биридир.

4. Тўғарак аъзоларда ижтимоий мулкка нисбатан ғамхўрлик муносабатини тарбиялашнинг таъсирчан усулларида бири уларни унумли меҳнатга, тўғарак хонасини жиҳозлаш ишига, асбобларни таъмирлашга жалб қилишдан иборатдир. Тўғарак аъзоларини материалларини тежамкорлик билан сарфлашга, асбоб, коржомоаларни эҳтиёт қилишга ўргатиш, онгли интизом ва юқори меҳнат маданиятини тарбиялаш керак.

Меҳнат маданиятини тарбиялашда ҳар бир тўғарак аъзоси ўзидан кейин шу иш жойида бошқа шахс ўтириб ишлаши, унга ҳам тоза, озода иш жойи зарурлигини тушунтирилиши ва ўзидан кейин шу жойни йиғиштиришга одатлантириш керак. Шунинг учун машғулот режаси ёзишда албатта иш жойини йиғиштириш босқичи режалаштирилиши ва бажарилишини назорат қилиниш керак. Машғулотдан кейин иш жойларини йиғиштиришга ўргатиш керак.

5. Тўғарак раҳбари яхши тайёрланган буюмнинг чиройлилигини, тозаллигини, безагини ҳамда тўғарак аъзосининг меҳнат ҳаракатларининг аниқлигини доимо таъкидлаб туриши, тўғарак аъзоларида бадиий дидни уйғотиши керак. Сифатли ва сифатсиз тайёрланган буюмларни таққослаб, чиройли ва хунукни ажратишни, рангларни бир-бирига мослигини ўргатиб борилса, тўғарак аъзоларда бадиий дид ривожланиб боради.

6. Тарбиявий ишларга катта аҳамият бериш лозим. Ўқувчилар тарбиявий қоидаларни бажаришлари, дарсларга тўлиқ қатнашишлари, орқада қолиб кетаётган ўртоқларига ёрдам беришлари, берилаётган вазифаларни бажаришлари, кўргазмаларни

ташкиллаштиришда иштирок этишлари, кўргазмали намуналарни тайёрлашлари керак. Энг фаол иштирок этувчи, дарсларни яхши ўзлаштирувчи ўқувчилардан кузатувчилар тайёрлашади. Шундан келиб чиққан ҳолда бу ўқувчиларни хоҳишларига асосланган ҳолда, дам олиш оромгоҳларида тўғараклар ўтказишга ҳам йўналтирилган. Бундай тўғарак қатнашчилари билан ўқитувчи қўшимча машғулот ўтказди. Кузатувчилар тузган ёзги иш дастурларини мукаммал ўзлаштирилиши, ўзининг кўпгина ва маҳоратларини ўқувчиларга ўтказиш методларини ўзлаштиришлари керак.

7. Тўғарак мураббийси тўғарак ўқувчиларнинг ота-оналари билан мулоқатда бўлиб туришлари керак ва болаларнинг кўргазмаларига таклиф қилиб, уларда бадиий тарбияни шакллантириб боришлари керак.

ТЎҚИШ ТЎГАРАГИ РЕЖАСИ, ЎҚУВ ДАСТУРИНИНГ МАЗМУНИ

Тўғаракларни ташкил этиш жараёнини режалаштириш ўқув жараёнини аниқ ташкил этишдан иборат бўлиб, дидактик тамойилларга мос келиши керак. Тўғаракларни ташкил этишни режалаштириш ҳар бир тўғарак раҳбарининг таълим режаси ва дастурини бажаришни, ўқув материалларини мазмунига тўлиқ жавоб берадиган таълим топшириқларини, тўғарак аъзоларини иш ўринларига ўзгарувчан график асосида кўриб чиқишни, илмий техник билимларини меҳнат кўникма ва малакаларининг юқори даражада бўлишини эътиборга олади.

Тўғаракларни ташкил этиш ўқув режа асосида олиб борилади. Ўқув режаси - давлат ҳужжатидир. Ўқув режаси таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган бўлиб, унда гуруҳлар бўйича ўқитиладиган тўғаракнинг номи, ўқув соатлари, муддати, ўқув йилининг тугаши кўрсатилган бўлади.

Ўқув режасини тузишга қуйидаги талаблар қўйилади.

1. Ўқув режаси ўқув тарбия ишининг мақсад ва вазифаларига асосланади.
2. Таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
3. Тўғарак маўғулотининг ҳажми ўқувчиларнинг ёши, билим савиясига қараб белгиланади;

4. Ўқув режасига киритилган тўғарак машғулотлари дунёвий ва илмий характерга эга бўлиб, умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилади;

5. Ўқув режасида тўғарак машғулотларини белгилашда ҳозирги замон талаблари ҳисобга олинади.

Ўқув режага киритилган тўғарак машғулотлари таълимнинг илмийлиги, миллийлиги ҳамда маънавий етук баркамол инсонни тарбиялашни кўзда тутди. Ўқув режада фанлар кетма-кетлиги, уларга ажратилган соатлар, якуний назоратлар(кўргазмалар) ҳам аниқ кўрсатилади.

Ўқув режасини тўлиқ бажарилишини тامينлаш мақсадида унга тушунтириш хати ҳам ёзилган бўлади. Унда қандай тўғараклар ва улар учун қандай жиҳозланган хоналар ажратилиши ҳақида эслатма берилган бўлади. Ўқув режасини бажарилиши ўқув муассасасининг раҳбари томонидан назорат қилиб турилади.

Ўқув дастури ва унга қўйиладиган талаблар:

Ўқув (тўғарак машғулот) дастури ўқув режасига асосланиб тузиладиган давлат ҳужжати бўлиб, ўқув режасида кўрсатилган тўғараклар бўйича билим ҳажми ва таълим мазмуни ифодаланади.

Ўқув дастури 4 қисмдан иборат бўлади.

1-қисмда тушунтириш хати. Бунда фаннинг мақсад ва вазифалари, йўналиши, дастурдан фойдаланиш тартиби ва методик маслаҳатлар берилади.

2-қисмда ўқув соатининг тахминий тақсимооти. Бунда жадвал тарзида берилиб, фан (тўғарак машғулот) мазмунининг бўлим ва мавзуларининг тахминий тақсимооти акс эттирилади.

3-қисмда машғулот жараёнининг асосий мазмуни очиқ берилади.

4-қисмда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.

Ўқув дастурини тузишда қуйидаги тамойиллар ҳисобга олинади:

1. Дастурнинг илмийлик тамойили. Маълумки ҳозирги кунда фан ва техника ривожланиб бормоқда. Фанга оид янги маълумотлар жуда кўп бўлиб, улардан илмий асосланган, исботланганларидан фойдаланиб, айрим эскирганларини дастурдан чиқариб ташланиши керак.

2. Дастурнинг қатъийлик тамойили. Ҳар бир ўқув фанига оид дастурларнинг бир неча йиллар мобайнида қатъий бўлишига

эришиш керак, акс ҳолда фан бўйича дарсликлар яратиш имконияти қолмайди.

Ўқув дастурлари жамиятимиз тараққиётининг ҳар бир соҳасида: фан, техника, ишлаб чиқаришда қўлга киритилган янгиликларни ўзида акс эттириши керак.

3. Назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги тамойили. Ўқувчилар эгаллаган илмий билимларини амалда қўллашларини таъминланиши учун, ўқувчиларга бериладиган илмий тушунчаларни машқлар, амалий ишлар, график ишлар, тажрибалар, кузатиб хулоса чиқариш кабилар билан боғлаш керак.

4. Дастурнинг изчиллиги тамойили. Ўқув дастурдаги материалларни ўрганишда ўқувчиларнинг аввалги билимлари, кўникма ва малакалари билан узвий боғланиши уни тўлдириши ва кейинги ўқув жараёни учун замин тайёрлаши керак.

5. Ўқувчиларнинг ёшларини ҳисобга олиш. Дастурга шундай билимлар киритилиши керакки, бунда ўқувчиларнинг ёшларини ҳисобга олиниши лозим. Ўқувчиларнинг ёшларини ҳисобга олинмаса, машғулотлар жараёнида уларнинг чарчашларига ва ўзлаштириш даражасини пасайишига олиб келади

6. Ўқув фанларининг ўзаро боғланиш тамойили. Ўқув дастуридаги фан бўйича билим, кўникма ва малака ҳосил қилишда ўқувчиларнинг бошқа фанлардан эгаллаган билим кўникма ва малакаларига боғлаб, уни такрорламаган ҳолда кенгайтириши керак.

7. Ўқув дастурларида тарихийлик. Дастурда кўрсатилган ўқув материалларини тарихий ривожланиш қонуниятларига боғлаб тушунтириш керак.

8. Ўқув дастурининг замонавийлиги, рақобатбардошлиги. Ўқув дастури материали ҳозирги давр тараққиёти асосида билим беришга интилиш керакки, ҳар қандай янгилик унда акс этиши керак.

9. Ўқув дастурининг гуманитарлиги ва миллийлиги. Ўқув дастури материаллари инсонпарварлик асосида, миллий урф-одатлар, қадриятларни ўзида мужассамлаштириши керак.

10. Ўқув дастурининг жозибадорлиги ва наваторлик тамойили. Ўқув дастури ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини оширишни кўзда тутди.

Дастурни тузишда “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини ҳисобга олган ҳолда

новаторлик янги педагогик технологияни амалга жорий этишга имконият яратиши лозим.

Ўқув режасини тузишда олимлар, илғор фан ўқитувчилари қатнашиши мумкин. Ўқув дастури мақсад ва вазифаларини сақлаб қолган ҳолда унинг мазмунига 30% гача ўзгартириш киритиш мумкин. Бу ўзгартириш фан кафедра (тўғарак раҳбарларининг) йиғилишида кўриб чиқиб маъқулланади ва педагогик йиғилишда тасдиқланади.

Тақвим-мавзу режа. Тақвим-мавзу режа ўқув йили учун тузилади. Ўқув йили бошида август кенгашида кўриб чиқилиб, ўқув ишлари бўйича директор муовини томонидан тасдиқланади.

Бу режа мавзуларни ўқитиш кетма-кетлиги, ўқитиш муддати, қандай дарс туридан фойдаланиб ўқитилиши, қандай кўргазма, тарқатма материалларидан фойдаланиш, ўқувчиларга уйга берилган мустақил иш мазмуни кўрсатилади ва қўшимча киритиш учун жой ажратилади. Тақвим мавзу режа қуйидаги жадвал бўйича тузилади.

№ Машғулот кетма-кетлиги	Бўлим ва мавзу номи	Ажратилган соат	Муддати	Дарс тури	Кўргазмали Қуроллар	Ўқувчиларга мустақил иш	Қўшимча эслатма
1	2	3	4	5	6	7	8

1. Тақвим-мавзу режадаги машғулот кетма-кетлиги ўқув режасида неча соат кўрсатилган бўлса, шунча рақам бўлади. Ўқув режада 62 соат берилган бўлса, демак тақвим-мавзу режа 62 соат билан якунланади.

2. Мавзу номи ўқув дастуридан олинади.

3. Ажратилган соат миқдори ўқув режаси ёки машғулот жадвалининг ҳафталик соат миқдоридан олинади.

4. Муддат мавзуни жадвал асосида, тақвимга мослаштирилади.

5. Дарс тури машғулот мавзусини қандай дарс туридан фойдаланса, яхши натижа беришига кўра танланади.

6. Кўргазма қуроллар ушбу мавзуни тушунтиришда қандай кўргазма, тарқатма материалларидан фойдаланиш кераклиги кўрсатилади.

7. Ўқувчиларни мавзуни мустаҳкамлашга оид уй вазифаси берилиши керак. Уй вазифасини беришда ўқувчининг ижодий ишлашини ҳисобга олиш керак. Синф ишини давом эттириш - бу уй вазифаси эмас.

8. Қўшимча эслатмада йил давомида тўплаган фикрлар ва ғоялар киритилади, ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тўпланиб борилади.

Тўғарак ишларини яхши режалаштириш ишнинг самарали бўлишини таъминлайди. Ҳар ўқув йили бошида бир йиллик иш режаси тузиб олинади. Иш режаси, дастур ва тақвим мавзу режа асосида тузилади. Уларга асосланиб тўғарак раҳбари, кундалик машғулот режасини тузади. Тузилган режага ҳар бир муассаса тўғарак раҳбари ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, маълум ўзгартиришлар киритиши мумкин. Албатта тузилган иш режаси муассаса педагогик жамоаси мажлисида кўриб чиқилади ва муассаса раҳбари ёки илмий мудир томонидан тасдиқланади.

Иш режасини тузишда тўғарак раҳбари содда элементлардан мураккаб деталларни ўргатишга қарата бажарилган ишлар кетма-кетлигини режалаштиради. Йил мобайнида ўргатиладиган ишлар соддадан мураккабга ўтиш тартибида олиб борилгандагина ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Биринчи йил тўғарак аъзолари учун иш режасини тузишда аввал тўқиш услублари ўргатилиши, кейин бир қанча кийим ва буюмларни тўқиш жараёнида янги-янги турли мураккаб нақшлар тўқишни ўргата борилиши, ҳосил қилинган малакани янада ўстира борилиши яхши натижа беради.

Тўғаракда иккинчи йил шуғулланувчилар учун иш режаси тузишда асосан андоза асосида ишлаш мавзуси устида чуқур тўхталиб ўтилади. Шу билан бир қаторда турли мураккаб нақш гуллар тўқиш, нафис тўрсимон нусхалар тўқишни ўргата бориш ҳам асло четга сурилмаслиги керак. Шунингдек, тшқиладиган буюм ассортименти шуғулланувчилар учун танлаш ҳуқуқини бериш керак.

Қуйида тўқиш тўғарагининг 1- ва 2-йил шуғулланувчилари учун иш режаси, яъни мавзулар тақсимооти берилган.

Тўқиш тўғарагида 1-йил шуғулланувчилари
учун тахминий иш режа

Т/н	Мавзулар номи	Умумий соатлар	Булардан	
			Назарий машғулот	Амалий машғулот
1.	Кириш	2	2	-
2.	Керакли жиҳозлар ва мосламалар	2	2	-
3.	Ип турлари	4	4	-
4.	Тўқиш услублари. Зич тўқималар тўқиш.	30	6	24
5.	Аппликация тушириш	10	2	8
6.	Шарф тўқиш	10	2	8
7.	Қалпоқча тўқиш	12	2	10
8.	Пайпоқ тўқиш.	12	2	10
9.	Қўлқоп тўқиш.	12	2	10
10.	Рўмол тўқиш.	12	2	10
11.	Замонавий моделда қалпоқ тўқиш.	16	2	14
12.	Буюмларни безаш	4	2	2
13.	Декоратив буюмлар, ўйинчоқлар	12	2	10
14.	Экскурсия	4	4	-
15.	Якуний машғулот	2	2	-
	ЖАМИ	144	38	106

Тўқиш тўғарагида 2-йил шуғулланувчилари
учун тахминий иш режа

Т/н	Мавзулар номи	Умумий соатлар	Булардан	
			Назарий машғулот	Амалий машғулот
1.	Кириш	2	2	-
2.	Тўқиладиган кийимларни лойихалаш	18	8	10
3.	Жакет деталларининг тўқилиши	16	2	14

4.	Жакет ёки свитер тўқиш	40	2	38
5.	Гулли нақш тўрларини тўқиш усуллари	18	2	16
6.	Гулли нақш тўрли аёллар блузкани тўқиш	30	2	28
7.	Тўқилган буюмларни безаш	4	2	2
8.	Тўрсимон салфеткаларни тўқиш	14	4	10
9.	Якуний машғулот	2	2	-
	ЖАМИ	144	26	118

ТЎҚИШ ТЎГАРАГИ МАШЎУЛОТЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ МЕТОДЛАРИ

Ўқитувчи - ўқув материални ўзлаштириш жараёнининг ташкилотчисидир, мудомики шундай экан, у ҳамма ташкилий шакллардаги ўқитиш методларини (маърузалар, амалий машғулотлар, семинар машғулотлари, талабаларнинг мустақил ишлари методларини) билиши, эгаллаб олган бўлиши керак.

Тушунчалар ва ҳатти-ҳаракатларнинг шаклланишини ўқитувчи бошқариб борадиган асосий машғулот тури амалий машғулотлар бўлиб, уни ўтказиш методикаси педагогик тажриба ва маҳоратга боғлиқдир.

Бу жараёни тинмай ўрганиб бориш керак, чунки ўқитувчининг ўз касбига моҳирлиги ўқитиш технологиялари мажмуасини эгаллаб олганлиги билан белгиланади.

Амалий машғулотлар талабада идрок ва хотира, диққат-эътибор ва тафаккур, тасаввур ва мантиқни бирлаштириши керак, унда ўзлаштиришга эҳтиёж ва майл-рағбат нечоғлик зўр бўлса, натижа ҳам шунчалик самарали бўлиб чиқади.

Тўқишни ўргатиш тўғарагида машғулотларни олиб боришда турли хил машғулот методларидан фойдаланилади. Таълим бериш методлари деганда, педагогнинг иш усуллари тушунмоқ керак. Ўқитиш жараёни мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, ниҳоятда хилма-хил ва турли омилларга боғлиқ. Ўқитувчи ихтиёрида ўқитишнинг турли-туман методлари мавжуд. Қуйида уларнинг баъзиларини келтириб ўтилган.

1. Ўқитишда ўқувчининг ҳаракатлари тавсифига кўра:

- а) актив методлар (лабораторияда, китоб билан ишлаш)
- б) пассив методлар (маъруза, суҳбат, тушунтириш, экскурсия ва ҳ.)

2. Билим манбаларига кўра:

- а) оғзаки методлар;
- б) кўргазмали методлар;
- д) амалий методлар.

Ўқитиш методлари ўқув жараёнини амалга ошириш, яъни ўқитиш ва ўқиш усуллари бўлганлигидан, ҳар бир методни икки томондан - ўқитувчи фаолияти ва ўқувчилар фаолияти нуқтаи назаридан қараш керак.

Шунинг учун ҳам ўқитиш методларини билим манбалари бўйича қуйидагича гуруҳларга ажратилади:

- Оғзаки методлар. Агар ўқувчилар асосий ўқув ахборотини ўқитувчининг ўқув мулоҳазалари ва исботлари жараёнида ёки дарслик мавзулари асосида олсалар, бундай методлар оғзаки методлар (тушунтириш, ҳикоя, суҳбат ва ҳ. к.) жумласига киради.

Оғзаки методлардан фойдаланиш жараёнида кўргазмали қуроллардан фойдаланиш мумкин. Аммо улар ёрдамчи рол ўйнайди, яъни мавзу юзасидан тушунчаларни ўзлаштиришда ёрдам беради, холос.

Оғзаки методлардан фойдаланиш муваффақиятининг асосий кўрсаткичлари ўқувчиларнинг янги билимларни эслаб қолишлари ва айтиб бера олишларидир. Оғзаки методларда ўқувчилар ўқитувчи мулоҳазаларини такрорлайдилар, унга тақлид қиладилар.

Ўқувчи ўқитувчининг тушунтириш мантиқига қанчалик яқинлашса, материални шунчалик муваффақиятли ўзлаштиради.

Оғзаки методлардан асосан янги материални ўрганиш пайтида фойдаланилади ва билимларни эгаллашнинг бошқа усуллари билан қўшиб олиб борилсагина, улар таълимда яхши самара беради.

Кўргазмали методлар деганда, таълим жараёнида қўлланиладиган кўргазмали қуроллар ва техника воситаларига кўп даражада боғлиқ бўлган ўқув материални ўзлаштириш шакллари тушунилади.

Таълимнинг кўргазмали воситалари билимларни ўрганиш ва ўзлаштириш даражасини белгилайди.

Бунда, масалан, тўқиш асбоб-ускуналари кўрсатилиши ёки тўқиш асбобида ҳосил қилинадиган ҳалқаларни видеотасвирини намойиш қилиниши мумкин.

Таълимнинг бундай методларидан фойдаланилганда ўқувчиларнинг билиш фаолияти кўргазмали воситалар ёрдамида шаклланадиган ёки эсга туширадиган ҳиссий образларга, тасаввурларга боғлиқ бўлади. Кўргазмали қуроолар билимларни тартибга солиш ва бойитишга, шунингдек, ўқувчиларнинг фикр юритиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради.

Амалий методлар. Машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва тажриба ишлари асосида ўқув материални эгаллаш кўринишлари таълимнинг амалий методлари жумласига киради. Ана шу методлар ёрдамида амалий кўникма ва малакалар шакллантирилади. Бунда кўникмани шакллантириш жараёни ўқув фаолиятида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Кўникмани эгаллашнинг муваффақияти уни шакллантириш шароитига боғлиқ бўлиб, унинг бир нечта шартлари мавжуд.

1) Кўникма нима мақсадда шакллантирилишини англашдир. Ҳар қандай кўникма автоматлашган даражага етказилган ҳаракатлар тизимидир. Агар ўқувчи ўқув материалларини ўзлаштиришда уларнинг аҳамиятини тушунмаса, бу ҳаракатларни шакллантириш қийин бўлади. Масалан, ўқувчи пилтакашда кийимнинг қайси қисмларини тўқишга мўлжалланганлигини ва бунинг учун кийим ассортиментида мос ип ва пилтакашлар танлаш тартибини билмаса, шу ишларни бажаришдаги ҳаракатларни шакллантириши қийин бўлади.

2) Машқлар мунтазам бўлиши керак. Одатда, кўникмаларни эгаллашдаги камчиликларга ўқув машқлари тизимини ташкил этиш ва амалга оширишдаги камчиликлар (машқларни бажариш учун керакли воситалар билан таъминланмаганлик ва б.) сабаб бўлади.

3) Амалий ҳаракатлар англаган ҳолда бажарилиши зарур. Ўқувчилар ҳаракатларнинг муайян фикрий режасига асосланишлари, иш жараёнларининг изчиллигини яхши тушунишлари, уларни тушунмасдан такрорламасликлари ва ёдлаб олмасликлари йўл қўймаслик керак.

4) Дастлабки амалий ҳаракатлар ва жараёнларга пухта тайёрланиш. Улар онгли равишда режа асосида

бажарилса, кўникма тезроқ ва муваффақиятлироқ шаклланади. Бунинг учун эса ўқувчилар назарий билимларни яхши эгаллашлари лозим.

5) Машқларни мустақил бажариш ва ўзини ўзи назорат қилиш. Ўқувчи кўникмани мустақил бажара бошлаганида у ўз ҳаракатларини назорат қилади. Ўқитувчи ўқувчига ўзини ўзи назорат қилиш усулларини ўргатиши зарур. Масалан, ўқувчи тўқилган кийимни бирорта деталига безак бериш жараёнини амалий ўргангандан кейин уйда ўзи мустақил равишда бажаришга ва баҳо беришга ўрганади.

6) Бажарилган машқлар, амалий ишларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. Ўқув кўникмалари ва малакаларида ижобий ва салбий жиҳатлар бўлади. Ўқувчиларнинг кўпчилиги деярли бир хил хатоларга йўл қўядилар. Лекин синфда бу камчиликларни эмас, балки яхши ишларни намоёниш қилиш керак, чунки ижобий намуналар асосида ўқитиш афзалроқдир.

Агар кўникмани шакллантириш шартларига риоя қилинса, ўқитишнинг амалий методлари ўқув материалининг муваффақиятли эгалланишига ёрдам беради, албатта.

Тўқишни ўргатиш жараёнида назарий билимлар берилади ва амалий машғулотлар ўтказилади. Назарий билимлар беришда бўлажак тўғарак раҳбарларига тўғаракни ташкил этишнинг илмий-назарий асосларини очиш, уларга маънавий, миллий, меҳнат, ахлоқий, бадий тарбия талаблари ва уни амалга ошириш йўллари ўргатилади. Албатта назарий билимлар беришда илғор тажриба манбаларидан фойдаланиши зарур. Шунингдек, тўғарак машғулотлари мавзуларини ўрганишда қўлланиладиган техника воситалари, кўргазма қуроллар намоёниш этилади. Маданият уйлари ҳамда мактаб тўғарак ишлари машғулотларида саёҳатлар ҳам уюштирилади.

Амалий машғулотлар дастурига кўра амалий машғулотлар лаборатория ишлари шаклида ўтказилади. Амалий машғулотлар давомида тўғарак машғулотлари жараёнида фойдаланиладиган кўргазма қуроллар, бўлим ва мавзулар бўйича машғулот ишларини тайёрлаш асосий диққат марказда туриши керак. Амалий ишлар натижасида ҳар бир бўлажак тўғарак ташкилотчиси тўқиш тўғараги дастури бўлимлари бўйича машғулот ишланмалари бўлиши, янги педагогик технология асосида кўргазма қуроллардан фойдаланган

ҳолда машғулотнинг услубий ишланмасини мустақил бажара олиши керак.

Амалий машғулотлар замон талаби асосида маданият уйлари қошида ўтказилса, ижобий натижа беради, яъни рамзий машғулотлар орқали тажриба қилинади. Назарий ва амалий машғулотлар бўйича ўқувчилар билимлари кундалик ва якуний назорат қилиш билан аниқлаб борилади. Якуний назорат учун ўқувчилар ўқитувчилар раҳбарлигида ижодий иш бажарадилар. Ижодий иш мавзулари ўқувчиларга тавсия қилинади. Улар ўзлари хоҳлаган мавзуларни танлайдилар.

Ўқувчиларнинг тўғарагида фаол ишлашлари, ижодий меҳнат қилишлари, чиройли, сифатли маҳсулот тайёрлашлари, умуман, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш учун тўғарак ишларини тўғри ташкил этиш зарур бўлади. Тўғарак раҳбари машғулотларнинг 1-кунигаёқ ўқувчиларни бу ҳунарга қизиқтира олиши, ўқувчиларда ўзи ва тўқиш ҳунари ҳақида яхши таассурот қолдира олиши керак. Шунингдек, машғулотларни улар қўшимча, ортиқча иш деб эмас, балки ижодий дам олиш каби қабул қилишлари лозим.

Машғулотларнинг назарий қисмини ўтиши тўғарак раҳбаридан катта маҳорат талаб қилади, чунки ўқувчиларга асосан амалий машғулотлар содда тил билан лўнда, қисқа тушунтириш ва бу жараёнда албатта турли кўргазма материаллардан фойдаланиш яхши натижалар беради.

Ўқувчиларни турли матнларни ёзиш, чизмалар чизиш билан зериктириб, қийнаб қўймаслик керак. Улар билан ишлашда гуруҳ ўқувчиларининг ёш хусусиятларини албатта эътиборга олиши лозим, айрим ҳолларда алоҳида ёндошув керак бўлади.

Машғулотлар учун юқорида айтиб ўтганимиздек, икки академик соат, яъни 90 минут ажратилади. Бу вақтни тахминан қуйидагича тақсимлаш тавсия этилади.

1. Ташкилий қисм	10 мин
2. Берилган топшириқни кўриб, текшириб чиқиш	10 мин
3. Янги мавзуни назарий баён қилиш	10 мин
4. Янги мавзу юзасидан амалий иш	50 мин
5. Якуний қисм (хоналарни тозалаш)	10 мин

Машғулотларда янги мавзунинг назарий қисми умумий ҳамма учун доскада турли кўргазмалардан фойдаланган ҳолда тушунтирилади.

Машғулотни амалий иш бажариш жараёни ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндашув асосида олиб борилади. Тўғарак раҳбари ўқувчиларнинг амалий ишини кузатиб боради. Кўпчиликда учраган кичик хатоларни гуруҳ аъзоларининг ҳаммаларини жалб этган ҳолда тузатишларига йўриқнома беради. Бу билан ўқувчиларнинг ўз хатоларини ўзлари топиб тузатишларига, мустақил ишлашларига эришади.

Машғулотларни ташкил этишда ҳар бир навбатдаги янги машғулотда янги мавзу, тўқишнинг янги турларини ўргатишни ёки тўқилаётган буюмнинг маъқул бир қисмини тўқишни ўргатишни режалаштириш керак. Лекин хаддан зиёд кўп ва мураккаб вазифаларни бериш болаларни зўриқтиради. Ўқув йили давомида нақш тўқиш усуллариини ўргатиш, тўқиш техникасини борган сари мураккаблаштириш керак. Чизманинг ҳар бир турига 2-3 турдаги нақш солиш усуллариини кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса ўқувчиларни навбатдаги дарсга қизиқишларини, масъулиятларини орттиради. Худди шу тариқа режалаштирилган машғулотлар ўқувчилар давомати яхши бўлишини таъминлайди. 1-йил ўқувчилари узок вақт фақат чок турларини ўрганишдан зерикиб қолмасликлари учун бир қанча чок турлари тўқишни ўргангандан кейин кичик буюмлар тўқишни ўргатишни режалаштириш лозим бўлади. Сўнг яна чок турларини ўрганиш мавзусига қайтилса бўлади. Машғулотларда ўқувчилар ўтилган мавзу юзасидан берилган йўлланмалар қисқа маълумотларни ёзиб бориш учун дафтар тутадилар.

Ҳар бир машғулот мавзуси ёритилган конспект дафтарда ёритила борилади. Бажарилган амалий ишлар, яъни тайёрланган чок турлари намуналари, буюм деталлари альбомга рақамлаб безатилади.

Машғулот жараёнида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига аҳамият бериш, вазифани тез ва осон бажариб бўлганларни зериктириб қўймаслик, секин тўқийдиган ёки тушунишлар қийин бўлган ўқувчиларга меъёрдан ортиқ юклама бермаслик учун ўқувчилар билан алоҳида ишлаш зарур. Яхши ўзлаштирувчи ўқувчига мавзуга оид яна бир чок турини тўқишни ўргатиш, оқасаётган ўқувчи билан алоҳида ишлаш ёки ўзлаштирувчи илғор

ўқувчи - ўзлаштириши қийин ўқувчига бириктириб қўйилади. Бундай ўқувчиларнинг ишларини вақти келганда мактаб қўйиш, руҳини кўтариш, далда бериш керак. Бу билан унда ишга қизиқиш, ўзига ишонч пайдо бўлади.

Тўғарак машғулотида ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини шакллантира бориш лозим. Шу мақсадни кўзлаган ҳолда ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари, ижод қилишлари учун шароит яратиб, тўқиладиган буюм учун ўзлари модел танлаш, чок тури, ип рангини танлашни уларнинг ўзларига ҳавола этишлари керак. Ўқитувчи эса уларни фикрларини эшитиб, йўлланмалар бериши, тузатишлар киритиши, қўшимчалар қўшиши, ўқувчи ва ўқитувчи биргаликда буюмнинг энг маъқул моделини танлаб олишлари мумкин бўлади.

Фан бўйича олган билимлари педагогик амалиёт жараёнида мустаҳамланади. Бўлажак тўғарак раҳбарлари олган назарий ва амалий билимларини амалда мустаҳкамлаш учун педагогик амалиёт маданият уйлари ёки мактаблар қошидаги тўғарак базасида ташкил этилади.

Ўқишга иштиёқ, қизиқиш уйғотиш, айниқса ундан ҳузур топиб, мамнун бўлиш, уни олиб боришда энг яхши натижаларни беради. Билимлар, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда ўқувчининг фаоллигини, қизиқиши, ижодий мустақиллигини оширишга қаратилган замонавий педагогик технологиялар анна шунга кўп жиҳатдан йўл очади. Ахборот таъминоти кучли, моддий-техника ресурслари турли-туман бўлса, ката ҳажмдаги билимларни эндиликда жуда қисқа вақт ичида ўзлаштириб олиш мумкин бўлиб қолди.

Турли хил тўғаракларда, шу жумладан, тўқиш тўғарагида машғулотларга алоқадор ўйинлар, мунозаралар, кичик гуруҳлар методикалари («мия ҳужуми», можаро методикаси ва бошқалар), вазиятга доир топшириқлар ва ўқитишнинг энг муҳим шакллари ҳисобланган бошқа усуллар ҳаммадан кўра кўпроқ русм бўлган.

Тўқиш тўғарагида кичик гуруҳларда ишлашнинг қуйидаги методларидан фойдаланиш мумкин: «мия ҳужуми» («мия жанги»), давра методи, «думалоқ стол», муаммоларни ҳал қилиш методи, «стол ўртасидаги ручка», «гуруҳ бўлиб текширув олиб бориш», «қор бўрон» методи, «асалари галаси» ва бошқалар киради.

Бу методлар бўйича ишлаш учун 5-10 нафар ўқувчидан иборат гуруҳлар тузиб, ишонч вазиятини вужудга келтириш, ошкора

муҳокама учун ҳалал берадиган психологик кескинликни бартараф этиш ва машғулотнинг вақтини 90 минут қилиб белгилаб олиш зарур.

Ушбу гуруҳ методикалари ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириб, ҳаракатчанлигини ривожлантириб, ўқув фаолиятини жадаллаштиришга қаратилган. Бундай методларнинг мақсади:

- Ўқувчиларни кўпроқ жалб этиш ва уларнинг бири-биридан ўрганишига имкон бериш.
- Йўл-йўриқ бериб турадиган ўқитувини «сахнадан» чиқариб юбориш.

Афзалликлари:

1. Ўқувчиларга уларнинг ўз ғоялари ва фикрлари билан кўпроқ ўртоқлашиш учун имкон беради.
2. Кичик гуруҳларда ўқувчилар ката гуруҳларда айтишлари мумкин бўлган фикрлардан бошқача фикрларни айтишлари мумкин.
3. Ўқувчилар тажриба ва ғоялар билан ўртоқлашишлари мумкинки, бу – билимларни кенгайтиради ва мавжуд ёндошувларни ўзгартиради.
4. Диққат марказини ўқитувчидан (йўл-йўриқ кўрсатувчи мураббийдан) ўқувчиларга кўчиради.
5. Ўқувчиларни ўзларининг ўқишлари учун кўпроқ масъулиятни ўз устларига олишга мажбур қилади.

Камчиликлари:

- анча кўп вақт ва қўшимча жой бўлишини талаб қилади;
- ўқувчиларнинг бирортаси бошчилик қилишга ўта бошлаши, агар гуруҳ бунга қаршилик кўрсатмаса, унинг устидан назорат қилишни ўз қўлига олиши мумкин;
- гуруҳ ўзига берилган топшириқдан чалғиб, йўл-йўриқларга аниқ амал қилмаслиги ёки топшириқни нотўғри тушуниши мумкин.

1. «Мия ҳужуми» («мия жанги») методи

Методиканинг асосий қоидалари:

- ғояларни шакллантиришга ҳалал берадиган қандай бўлмасин бирор мулоҳаза ва танқидий фикрларни билдирмаслик;
- янгича фикрни табриклаш ва фикр қанчалик одатдан ташқари бўлса, унинг шунча яхши бўлишини ҳисобга олиш;
- энг кўп сонда таклифлар олиш;
- ғояларни комбинациялаш ва ривожлантириш;

- ҳар томонлама далил-исботлар келтирмасдан туриб, қисқа фикрларни баён қилиш;
- гуруҳни ғоялар берадиган кишилар ва уларни ишлаб чиқадиган кишиларга бўлиш.

Бу методика ўқувчининг ўз нуқтаи назарини исботлаш, ҳимоя қилиш, ҳар қандай вазиятда энг маъқул ечимни топиш, мулоқат олиб боришга, ҳимоя қилинаётган нуқтаи назарнинг тўғрилигига қузатувчиларни ишонтиришга ўргатади.

Методнинг мақсади – гуруҳдан қисқа вақт ичида кўп миқдор вариантларни олиш, ўқувчилар нималарни билишини аниқлаш. Машғулот давомида муаммони ҳал эта оладиган ғоялар таклиф этилиши, умумий тажриба юзасидан фикр алмашиш учун замин яратилиши ва ўқувчилар истакларини билдириши мумкин. Бу жараён моҳият эътибори билан шундан иборатки, гуруҳга мавзу, савол ёки тугалланмаган таклиф берилади. Гуруҳ аъзолари бир неча минут давомида шу мавзу юзасидан гаплашиб, миясига нима келса, шуларнинг ҳаммасини айтишади ва буларнинг ҳаммаси бўр билан синф доскасига ёзиб борилади. Гапларнинг ҳаммаси, улар қанчалик ноаниқ, бемаъни ёки баҳсли бўлмасин, ёзиб қўйилаверади. Ҳамма ўз фикрини муҳокама қилмасдан туриб, баён қилади, чунки мақсад кўпроқ миқдорда ва хилма-хил таклифлар олишдир. Бу пайтда тақиқлар бўлмайди ва ҳеч қандай баҳолар берилмайди. Ўқувчиларда таклифларни таҳлил қилиш, норозилик билдириш ва таклиф этилган ҳамма фикрларни муҳокама қилиб чиқиш учун кейинроқ имкон бўлади. Агар фаоллик суст бўлса, ўқитувчи ўз фикрларидан баъзиларини ёзиб олишни таклиф этиши мумкин, лекин бундан олдин у бир оз жим туриши керак.

Методнинг қиймати шундаки, у гуруҳни бирлаштириб, яқдил қилади. Ҳар бир ўқувчига учунг таклифи ёзиб олишга арзигулик эканлигини сезиш учун имкон берилади. Шуниси муҳимки, гуруҳнинг қиладиган ҳатти-ҳаракатлари тартибини ўқитувчи мия ҳужумининг энг бошидаёқ тушунтириб бериши керак. Гуруҳнинг топшириқдан чалғишига йўл қўймаслик ҳам муҳим: мия жангида иштирок этишга ўрганиб қолган гуруҳ ҳам таклифларни муҳокама қилишга вақтидан илгари киришиб кетиши мумкин. Берилган таклифларни ёзиб бориш учун бир кишини ажратиш ўринлидир, бу нарсга жараённи бошқариб бориш, ҳамма фикрларни жамлаш, гуруҳ билан визиуал алоқани қувватлаб бориш ва талабаларнинг фикрлаш

жараёни суръатларини пасайтирмаслик учун ўқитувчига ёрдам беради.

2. Муаммони ҳал қилиш методи.

Муаммони ҳал қилиш методи ёки муаммога қаратилган метод – муаммони аниқлаш ва уни ҳал қилишнинг энг маъқул йўлларини топишга ўқувчининг тайёрлигини текшириб кўриш учун қўлланилади. Муаммони ҳал қилишга асосланган машғулот бутун гуруҳнинг иштирок этишини талаб қилади.

Методнинг афзалликлари:

- ўқувчилар реал ҳаётда учрайдиган муаммога дуч келиб, бунга жавоб қидиришади – ўқишга рағбат кучаяди (нималарни биламан-у, яна нималарни билиб олишим керак);
- тўқишга оид нуқтаи назардан фикрлаш қобилияти ривожланади;
- мустақил ишлаш малакалари ривожланади;
- ўқувчилар билим ва малакаларини конкрет вазиятда ишлатишга ўрганадилар.

Муаммони ҳал қилиш методи аввало ўқувчининг ўз фаоллиги ва ташаббусини кўзда тутаяди, тўқишни ўрганишнинг яхши методларидан бири бўлиб ҳисобланади.

3. “Ручка стол ўртасида” методи.

Бутун гуруҳга топшириқ берилади (Масалан, буюмни тўқишда энг биринчи нимани эътиборга олиш керак). Ҳар бир ўқувчи битта жавоб вариантини бир варақ қоғозга ёзиб, уни қўшнисига беради, ўз ручкасини эса, столнинг ўртасига суриб қўяди. Жавобни билмайдиган киши қоғозни кейинги ўқувчига узатади. Бу методиканинг яна бир шarti: битта вариантни икки қайта бериш мумкин эмас, бошқача айтганда, қайтариқлар бўлишига бу ўринда йўл қўйилмайди.

Топшириқ бажарилди. Жавоб вариантлари ёзилган қоғоз ўқитувчида. У ўша вариантларни санаб ўтади. Вариантлар санаб ўтилар экан, уларнинг ҳар бири бир йўла муҳокама қилиб борилади.

“Ручка стол ўртасида” методининг бир қанча афзалликлари бор:

- ўқитувчи машғулотга ким тайёр, ким тайёрмаслигини кўриб туради;
- машғулотга тайёрланмаган ўқувчи оғзаки муҳокама пайтида кўриб чиқиладиган мавзу юзасидан анчагина фойдали билимлар олиши мумкин;

- бу – гуруҳда олиб бориладиган иш бўлиб, ўқувчилар интизомини мустаҳкамлайди ва уларни жипслаштиради, чунки ўз варианти устида жуда узоқ ўйлаб ўтирадиган ўқувчи бутун гуруҳга ажратилган вақтни сарфлайди. Шунингдек, ўқувчи машғулотга тайёр бўлмаса, бунда ҳам у гуруҳга панд беради, чунки гуруҳ унинг учун ишлаши керак бўлади;

- ўқувчилар ўз жавобларини икки марта: ёзма иш пайтида ва оғзаки муҳокама вақтида таҳлил қилиб чиқишади.

4. Давралар методи.

Ўқувчилар давра қуриб ўтириб, таклиф этилган саволни галмагал изоҳлаб чиқишади. Ҳар бир ўқувчи ўз фикрини баён қилиб, муҳокамага фойдали улуш қўшиш имконига эга бўлади, чунки барча ўқувчиларнинг фикрини билиш муҳим.

Давра бўлиб ишлашда ҳамма, жумладан ўқитувчи ҳам, тенг ҳуқуқлидир, ҳамма бир-бирини кўриб туриши, визуал алоқани қўллаб-қувватлаб бориши ва шу билан бир вақтда сўзлаётган кишининг гапларини диққат билан тинглаши мумкин. Бундан кўпгина мақсадларда, жумладан, баҳо бериш, муаммони ҳал қилиш, ижобий мустаҳкамлаш, даврани режалаштириш, ўтказиш учун фойдаланса бўлади. Даврани муваффақиятли ўтказиш учун ҳамма ўқувчилар ва бошловчи бир-бирини кўриб тура оладиган жой тайёрлаш, иш тартибини тушунтириб бериш зарур. Сўзга чиқмаганлар диққат билан тинглаб боришлари, айтилаётган гапларга изоҳ бермасликлари керак, бундай қилиш ҳаттоки ўқитувчига ҳам рухсат этилмайди. Охирида ҳаммага уларнинг иштирок этганликлари учун ташаккур билдирилади. Гуруҳ билан ишлашда давралар қоидаларини ўқувчиларга тушунтириб қўйиш зарур. Бундай ўйинга ўрганмаган гуруҳ билан ишлашни ўқитувчи нималарни айтишни эмас, балки нималар қилиш кераклигини ўқувчига тушунтириб қўйгандан кейин бошлаши лозим. Гуруҳ бир қадар тажрибали бўлса, давра машқининг кимдан бошланиши аҳамиятга эга эмас.

Давралардан ўқув машғулотининг боши ёки охирида фойдаланиш мумкин.

5. Мунозара методи.

Диспут – бу икки ёки бундан кўпроқ ўқувчиларнинг кескин чегараланган қоидалар доирасида оғзаки равишда ўзаро олиб борадиган баҳси, мунозараси, масала талашувидир. Унинг асосида камдан-кам ҳолларда яширин мўлжал пинҳон ётади, бу ўринда

фақат назарий қизиқиш ва оқиллик билан келтирилган далил ёрдамида оппонентдан устун келиш иштиёқи бўлади. Диспут назария ёки ғояларни тарғиб қилиш мақсадида эмас, балки мамнун бўлиш ва ўқувчиларга билим бериш мақсадида олиб борилади. Диспут мавзуи ҳамиша таклиф кўринишида майдонга қўйилиши керак, гап нималар тўғрисида кетаётгани жуда ҳам аниқ-равшан бўлиши учун эса, жумлаларни синчиклаб тузиб олиш лозим. Диспутда, ҳеч бўлмаганда, икки нафар сўзловчи ва раис қатнашади. Ўқувчиларнинг бири таклифни қўллаб-қувватлаб чиқса, иккинчиси бу таклифга қарши бўлиб чиқади – оппонент бўлади. Мунозарада бошқалар ҳам бирор томон тарафдори бўлиб, сўзга чиқиши мумкин.

Диспутни очувчи киши ва оппонент, шунингдек қўшимча равишда сўзга чиқадиганлар ўз сўзларини олдиндан тайёрлаб олишлари керак. Ҳар бир ўқувчи муайян вақт давомида, одатда 15 минут сўзлайди, ҳар қайси томондан қўшимча равишда сўзга чиқувчилар кўп деганда 2 киши бўлиши ва уларнинг сўзлаш вақти 5 минутдан ортмаслиги керак. Диспут очилишидан олдинги ярим соат давомида гуруҳнинг ҳар бир аъзоси унинг мавзуи юзасидан фикр билдириши, унга қўшилиши ёки қарши чиқиши мумкин. Бунга 3 минут берилади, икки марта сўзга чиқиш рухсат этилмайди. Сўзга чиқувчиларнинг ҳаммаси раисга мурожаат қилишади, унинг қарори узил-кесил бўлиб ҳисобланади.

Раиснинг асосий вазифаси мунозара тартибига қаттиқ амал қилиниши ва сўзловчиларнинг диспут мавзусидан четга чиқиб кетмаслигини кузатиб боришдан иборат.

6. “Гуруҳ бўлиб текширув олиб бориш” методи

Гуруҳга мунозарага сабаб бўладиган 2-3 та мавзу таклиф этилади, буларни ҳал қилиш учун қўшимча адабиёт ёки интернетдан фойдаланиш зарур бўлсин. Ахборот йиғишга ажратиладиган вақт 3-4 кун.

Жавобларнинг талабалар томонидан исбот этилган ҳаммадан яхши варианты энг юқори балл олади.

7. “Қор бўрон” методи

Икки гуруҳ талаба бир муаммо ёки вазиятни энг кўп миқдорда тўғри жавоблар олиш мақсадида биргаликда муҳокама қилишади.

Ҳар бир тўғри жавоб “юмалоқланган қор” кўринишида ўша гуруҳга балл тариқасида ёзиб қўйилади. Энг кўп балл олган гуруҳга аъло баҳолар қўйилади.

8. “Асалари галаси” методи

Муаммони ё бутун гуруҳ ёки иккита кичик гуруҳ томонидан муҳокама қилиб чиқишга мўлжалланган. Топшириқлар ҳар хил ёки бутун гуруҳга битта бўлиши мумкин. Гуруҳлар муаммонинг ечимини 10-15 минут давомида муҳокама этиб, ҳамкасбларига маълум қилишади. Энг яхши вариант танлаб олинади.

ТЎҚИШ ТЎГАРАГИ МАШҒУЛОТЛАРИ ТИЗИМЛАРИ

Ҳозирги вақтда мактабларда ва мактабдан ташқари ўқувчилар маданият марказлари тўгаракларида ўқувчиларга хунар бериш билан бир қаторда, касб танлашга йўллаш ишлари олиб борилмоқда.

Тўгаракларда олиб бориладиган машғулотлар ўқувчиларга бериладиган назарий ва амалий билимлар маълум бир тизимларга асосланган бўлади. Бу тизимларнинг бир неча турлари мавжуд.

1. Таълим жараёнида фойдаланиладиган буюм тизими хунармандчиликни ўқитиш даврида вужудга келиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури, вақти, илғор техника ва технологияни ривожланиши билан шаклланиши мумкин. Бу тизимга асосан ўқувчи ўзи ўзлаштираётган касб учун тегишли бўлган буюмларни тайёрлаган. Бунда буюмлар мураккаблиги ортиб борган. Ўқувчи устози иши ва бошқа ҳаракатларини такрорлашга интиланган. Янги буюмни тайёрлаш жараёнида ўқувчи ишни қайтадан ўрганишга мажбур бўлган. Мазкур тизимнинг асосий камчилиги ҳам шундан иборат. Буюм тизими хунармандчилик асосларини акс эттирган ва Х1Х асрнинг 2-чи ярмигача қўлланилган.

Х1Х асрнинг охирига келиб, манифактуралар пайдо бўлди ва шунга кўра меҳнатнинг тақсимланиши хунармандчилик соҳасида операцияларга бўлинишига олиб келди, яъни таълимнинг операция тизими юзага келди.

Операция тизими бўйича ўқитишда, ўқувчилар ўзлари эгаллайдиган касбнинг мазмунини ташкил қилувчи меҳнат операцияларини ўрганишган. Бу тизимга асосан ҳар қандай буюмни тайёрлаш бир хил операцияларидан иборат, фақат уларни бажарилиш тартиби ва ишлов беришнинг аниқлигига қўйиладиган талаблар бир-биридан фарқ қилади, деган тушунчага эга бўлишган.

Бу тизим ўқувчиларни буюм тайёрлашга боғлаб қўймай, касб доирасидаги умумий билим, малака билан қуроллантиради, буюм тикишда қўлланиладиган операцияларни мукамал ўрганишади. Тизимнинг афзаллиги ҳам ана шунда. Бу тизимнинг камчилиги шундан иборатки, операциялар умуман ўқув буюмлари тайёрлаш жараёнида ўзлаштирилади, яъни ўқувчилар меҳнати унумли меҳнат характерида бўлмайди. Натижада уларнинг ишга қизиқиши сусаяди. Бу тизим операцияларни бажариш билан буюмлар тайёрлашни узиб қўяди.

Учинчи тизим юқоридаги иккита тизимни ютуқ ва камчиликларини ўрганиб юзага келди ва операция-буюм тизими деб номланди. Бунда ўқувчи аввал мазкур касб учун тегишли бир нечта операцияларни бажаришни ўрганиб, кейин буюмда қўллайди.

Бу системанинг ютуғи ўқувчи ўз меҳнати натижасини кўради, операцияларни ўзи танлайди. Камчилиги: машғулотнинг 1-чи дарсиданок ўз ичига бир неча операцияларни олган буюмларни тайёрлаш ўқувчиларда бу операцияларнинг мазмуни ҳақида тўғри тасаввур бўлмаслигига олиб келарди. Шунинг учун ҳам бу тизим кенг тарқалмади.

20-чи йиллар охирида ММИ (маркази меҳнат институти) ишлаб чиққан ва шу туфайли ММИ тизими деб ҳам аталувчи мотор-машқ системаси тарқалди. Бу тизимнинг жуда катта камчилиги бор эди. Бунда кўникма ва малакаларни онгли ўзлаштириш назарда тутилмас эди. Кўникмаларни шакллантириш махсус аппаратлар ва ҳақиқий меҳнат жараёнини эслатадиган машқларни қўллаш билан амалгам ошириларди. Кўп марта такрорлаш натижасида мушакларни маълум ҳаракатларини онгнинг иштирокисиз ҳам бажаришга ўргатиш мумкин, деб фараз қилинган. Таълимга бундай ёндошиш маъқулланмади ва тезда уни рад қилинди. Бу мотор-машқ тизимининг ютуғи шундаки, унда меҳнат ҳаракатлари ва меҳнат усуллари чуқур анализ қилиниб, уларни ташкил этиш йўллари белгиланган эди.

Операция-буюм ва мотор-машқ тизимларининг камчиликлари ва ютуқлари ўрганилиб, операция комплекс (5-тизим) тизими юзага келди.

Бу тизимга асосан ўқувчи аввал 2-3 та кетма-кет операцияларни ўзлаштиради, сўнгра шу операцияни ичига олган комплекс ишларни бажаради. Меҳнат операцияларини ўзлаштириш ва уларни комплекс ишларда қўллаш таълимнинг биринчи

босқичидаги асосий вазифадир. Иккинчи босқичда ўқувчилар каттароқ буюмларни тайёрлайдилар. Масалан, кийим тўқишда қўлланиладиган барча турдаги енгни, ёқани, майда қисмларини тўқишни ўрганиб бўлингандан сўнг, уни кийимда қўллаш бажарилади. Камчилиги: ўқувчи ўзининг ишининг натижасини жуда узоқ вақтдан сўнг кўради. Натижада машғулотларга нисбатан сусайиш кучаяди. Ҳозирги вақтда тўқув хоналарида амалий ишни бажариш жараёнида операция буюм тизимидан фойдаланилади, чунки операцияни алоҳида ўрганиш режалаштирилмаган ва дастурда кўрсатилган буюм хилини маҳаллий шароитга қараб ўзгартириш мумкин.

Тўқишни ўрганиш жараёнида тизима бўйича машғулотлар ташкил этилади. Бу тизимнинг етакчи ғояси ўқувчиларни ижодий фаолиятини оширишдан иборатдир.

Тўғарак аъзоси бирор буюмни тўқишдан аввал, унинг лойиҳаси ва деталларни тўқиш жараёнини амалга ошириши керак бўлган шароитга олиб кирилади. Тўғарак аъзоси бирор кийимни тўқиш учун аввал ўлчов олиши, асос чизмасини чизиши, андоза тайёрлаши, моделлаштириш, чок турларини танлаш, ҳалқалар сонини ҳисоблаш, сўнгра андозага мослаб буюмни тўқиш каби мураккаб жараённи бажаради. Тўғарак аъзосининг ижодий фаолиятларини ортиши учун яратиладиган ҳамма нарсалар зўр бериб меҳнат қилишни тақозо этади.

Ижодий ишга оддий идрок қилиш йўли билан эмас, балки фикрлаш фаолияти орқали эришилади. Ижодий ишлаш жараёни ғояни пайдо бўлиши, ижодий масалани вужудга келиши, масалани ечиш, ечимни амалда қўллаш босқичларига бўлиш мумкин.

Тўғарак аъзолари ижодий фаолиятларини амалга оширишда раҳбарлик катта аҳамиятга эга.

1. Тўғарак аъзолари ҳар хил савол ва масалаларни мустақил ҳал қилиш имкониятларидан иборат фаолиятга қатнаштириш.

2. Тўғарак аъзоларини ижодий ғояга келтириш ёки улар олдида тўғридан-тўғри ижодий характердаги савол ва масалаларни қўйиш.

3. Тўғарак аъзоларини фан ва ишлаб чиқариш асосларига оид билимларини оширишга ундаш.

4. Тўғарак аъзосининг ижодий фаолиятларини рағбатлантириш.

Тўғарак аъзоларининг техник ижодкорлигини оширишга қаратилган меҳнат топшириқлари ҳам 3 гуруҳга бўлинади:

1) лойиҳалаш;

- 2) технологик жараёни тузиш;
- 3) меҳнатни тўғри ташкил этиш.

Тўғарак аъзосининг техник ижодкорлигини ошириш энг содда топшириқлардан бошланади ва аста-секин мураккаблашиб борилади. Тўғарак аъзоларининг ижодий ишларини ташкил қилиш ўқув устахоналаридаги таълимга муаммоли ёндошишни амалга ошириш имконини беради.

ТЎҚИШ ТЎГАРАГИ МАШҒУЛОТЛАРИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Дидактика хусусий методикалар билан боғланган ҳолда барча ўқув фанлари учун умумий қонун ва қоидаларни белгилаб беради, яъни тарбия билан ҳамбарчас боғлиқ таълим жараёнини ташкил этишга асос бўладиган етакчи қоидалар - дидактик қоидалар дейилади. Бу ўқитувчиларнинг фаолиятини, ўқувчиларнинг билим фаолиятини, хусусиятини белгилайдиган асосий қоидалар ҳисобланади. Қуйида бу қоидаларни таълим жараёнида қандай татбиқ этилишини кўриб чиқилади.

1. Таълим тарбия бирлиги. Таълим жараёнида ўқувчиларни тарбиялаш содир бўлади. Масалан: жун иплардан бирор буюмни тўқишни ўргатишда, буюмни андозасини тайёрлаш бўйича билимлар, кўникмалар ва малакалар ҳосил қилиш билан бирга иплардан тежамкорлик билан фойдаланишини ўргатиш билан иқтисодий тарбия шаклланади. Ёки тўқилган буюмларга мослаб безаклар танлаб, уларни тўқишни ўргатиш билан ўқувчиларда бадиий тарбия, тўқиш жараёнида ўтирган жойларини батартиб бўлишига эътибор бериш, озода жойда ишлаш орқали ахлоқий тарбия шаклланади. Тўқишни ўргатиш жараёнида ўтиладиган катта ва кичик мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқадиган тарбиявий томонларини тўғри белгилаш ва уни таълим билан бирга бир бутунликда амалга оширишни таъминлаш жуда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

2. Илмийлик тамойили - бу тамойилни амалга ошириш ўқувчиларга илмий асосланган тажрибада синалган, фаннинг энг янги ютуқларини ҳисобга олган техникавий маълумотларни етказишдир. Тўғарак раҳбари тўқиш хоналаридаги маълумотларда соф илмий терминлардан фойдаланиши, тўқишда қабул қилинган рамзий белгилар, буюм андозаларини тайёрлашда фойдаланиладиган формулалар, гавдадан олинган ўлчамларни қўллаши лозим. Тўғарак машғулотлари жараёнида ўқувчилар ҳар хил иплар билан тўқиш, андоза тайёрлаш, моделлаштириш ишларини бажарадилар. Бунда ўқувчиларда фақат кўникма ва малака ҳосил бўлиб қолмай, балки уларда ўрганаётган меҳнат операцияларининг илмий асослари ҳақида тушунчалар ҳосил бўлади. Масалан: бирор буюмни моделлаштириш учун ўқувчилар энг аввал моделлаш элементлари бўйича илмий маълумотга эга

бўлиши керак.

3. Онглилик ва активлик. Тўқиш жараёнларини онгли ўзлаштириш - бу амалий-назарий дарсларда зарур бўлган илмий, техникавий билимларни ўқувчиларга тушунтириб бериш, иш куролларида тўғри фойдаланиш, ҳамда буюм тўқишда иш операцияларини тўғри танлай олишдир. Тўқиш жараёнларини ташкил этишда берилган билимни ёдлаб олинса, бу камчилик ҳисобланади. Ўқувчилар ўз билимларини амалда қўллай олсагина онглиликка эришади. Айрим ўқувчилар вазифаларни қандай бажаришни ўйлаб ҳам кўрмайди. Ўқитувчи тушунтирганини ёдлаб олади. Шунинг учун ўқитувчи:

а) ўқувчиларни онгли равишда тушунишини, онгли муносабат ва билиш фаоллига даражасини билдирадиган белгиларни билиши керак;

б) материални онгли равишда ўзлаштиришга ёрдам берадиган ақлий ҳаракатларни фикрлаш жараёнларини шакллантириш учун шароит яратиши керак;

в) ўқув машғулотларни ўтказишда фаолликни ошириш йўлларида фойдаланишни режалаштириш керак

Таълимда онглилик активлик билан узвий боғлиқдир. Ўқувчиларнинг активлигини ошириш ўз меҳнат натижасини фойдали эканлигани онгли англаш демакдир. Масалан: ўқувчини бажараётган ишини тўғракнинг кўргазма залига қўйишни, боғчаларга топширишни англаса, уни тезроқ якунлашга ҳаракат қилади.

Ўқувчиларнинг юқори активлигига:

а) машғулотнинг мазмуни, мақсад, вазифаларини аниқ баён қилиш;

б) ўқувчиларга ижодий характердаги меҳнат топшириқларини бериш;

в) таълимнинг энг самарали усулларида фойдаланиш орқали эришиш мумкин.

Онглилик ва активлик тамойиллари ўқувчиларда мустақил ижодий фикрлашни ўстириш заруриятини пайдо қилади.

4. Назария билан амалиёт бирлиги. Назарияни амалиёт билан боғлаб олиб бориш энг асосий ва етакчи тамойиддир. Тўқиш жараёнларида кўпинча назарияни амалда қўллаш учун шароит яратилган. Ўқувчилар амалий фаолиятга тайёрлаш, назарий билимларни эгаллаш жараёнида бошланади.

Назарий билимга эга бўлгандан сўнг, билимларни мустаҳкамлаш амалий машғулотлар ўтказишда давом эттирилади. Назарияни амалиёт билан боғлашнинг ҳар хил формаларидан фойдаланиш орқали биз ўқувчилардаги билим сифатини оширишга эришамиз. Шунингдек, ўқувчиларда тўқишга, меҳнатта, танлаган касбига қизиқиш, кишилар меҳнатини қадрлаш каби ҳислатларни орттирилади.

5. Тизимли ва изчиллик. Ўқитувчи меҳнат таълими жараёнида ўқув материални ихтиёрий равишда эмас, балки маълум қоидаларга асосан баён қилади, яъни бир тизимда олиб боради. Тўғарак ишининг биринчи йилида ўқувчиларга турли хил нусхалар тўқиш билан бирга кичик-кичик буюмлар ҳам тўқиш ўргатилса, иккинчи йилида эса ўз гавдасига мослаб андоза асосида катта-катта буюмлар тўқиш ўргатилади. Секин-аста улар олдин содда, кейин мураккаб тўқиш чоклари ва буюмлари билан танишиб уларни тўқийдилар. Бунда ўқитувчи ҳар доим осондан мураккаб томон билимлар бериб бориши керак, яъни изчилликка қилиш керак.

6. Кўрсатмалилик - бу тамойил ўқувчиларнинг меҳнатга оид ўқув материалларини ўрганилаётган предметлар ва ҳодисаларни жонли идрок этиш, ўзлаштиришни назарда тутати. Тўқиш жараёнларида турли кўргазмаларга уюштирилган саёҳатлар, меҳнат усуллари, плакатлар, схемалар, жадваллар, буюм намуналарини кўрсатишдан, ўқув кинофильмлари, диафильмларни намойиш қилишдан кўрсатма воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Кўрсатмалилик тушунчасига идрок этишнинг кўриш тури эмас, балки эшитиш, сезиш турлари ҳам киради. Тўқиш жараёнларида кўрсатмалиликка катта аҳамият бериш керак, аммо машғулотни ҳаддан ташқари кўрсатма қуроллари билан тўлдириб юбориш яхши эмас, бу баъзан фойда ўрнига зарар қам келтириши мумкин.

Кўрсатмалиликдан фойдаланишда бир қатор методик талабларга риоя қилиш зарур:

а) кўрсатма қуроллар машғулотнинг ўқув материалга мос бўлиши керак;

б) барча кўрсатма қуролларни бирданига намойиш қилиб қўйиш ва осиб қўйиш шарт эмас, чунки бу ўқувчилар диққатини тарқатиб юбориши мумкин;

в) тўғарак раҳбари кўрсатма қуролни кўрсатишда уларни

ўқувчилар томонидан идрок этиш жараёнига раҳбарлик қилиши зарур.

7. Мустаҳкам ва пухта ўзлаштириш. Ўқувчилар фақатгина ўтилатган машғулоти ўзлаштириб қолмай, олдинги ўтилган машғулотлар юзасидан малака ва кўникмаларни такомиллаштирадilar, керак бўлиб қолганда эса эса тушириб, амалий иш мобайнида қўллайдилар.

Ҳозирги замон ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини шундай ташкил этиш керакки, ўқувчи бирор тўғаракни битириб чиққандан сўнг, ўз амалий фаолиятида янги билимлар, малакалар эгаллашлари осон бўлсин. Бунинг учун уларни олаётган билимлари пухта бўлиши керак. Билимларни пухта бўлиши ўқув материални самарали баён қилиш ҳисобига эришилади. Билим ва малакаларни пухталигини таъминлашда машқларни йўлга қўйиш ва таълим беришда техника воситаларини қўллаш катта аҳамиятга эга. Мустаҳкам ва пухта ўзлаштириш ўқувчиларда фикрлашни ўстириш, машғулотларга қизиқишларини орттиришда ҳам кўринади.

8. Ёш ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш.

Тўқиш жараёнлари бўйича, ўқув материалнинг мазмуни фан ва техника тараққиётини ҳозирги даражасига мос равишда ўқувчиларга тушунарли бўлиши керак. Бундан ташқари, ўқувчиларни жисмоний тайёргарлигини ҳам назарда тутиш керак.

Машғулоти мавзулари ўқувчиларга мос ва тушунарли бўлиши учун:

а) ўтилатган мавзунинг маъноси ва ҳажми, амалий машғулотлари ўқувчилар тайёргарлигига, жисмоний ривожланганлигига ва ёшига мос бўлиши керак;

б) мавзулар соддадан мураккаблашиб бориши керак, шунингдек, ўқувчилар билим доирасини янгиликлар билан тўлдириб бориши зарур;

в) айрим ўқувчиларга индивидуал ёндошиш керак, чунки ўқувчиларнинг айримлари янги мавзунини осон тушунса, айримлари қийинчилик билан тушунадилар;

г) кўргазма қуроллардан тўғри ва ўринли фойдаланиш.

9. Политехник тамойил. Назарияни амалиёт билан боғлаб ўтишда политехник тамойил асосий ролни ўйнайди. Тўғаракни олиб бориш хоналаридаги тўқишни ўргатишнинг

мазмуни, яъни тўқиш асбоб-ускуналари, улардан фойдаланиш йўллари, асбобларнинг шакли, шунингдек, технологик жараёнлар, меҳнат усуллари ва амалий мағшулотларнинг бажариш йўллари ҳақидаги техникавий маълумотлар политехник характер касб этади.

Политехник таъомил шу билан ҳам характерланадики, ўқувчиларга мавзуга мос равишда тўқишга оид мосламалар, ишлаб чиқариш жараёнлари ҳақида тушунчалар бериб боришни билдиради. Масалан: трикотаж буюмлар тўқиладиган корхоналарда турли буюмларни тўқишда ёқани тўқиш, чўнтак, бурмаларни тўқиш, шунингдек, иссиқлик ишлови бериш; пресслаш, буғлаб дазмоллаш тушунчалари ўқувчилар онгага сингдириб борилади. Демак, ўқитувчи ишлаб чиқариш соҳасидаги янгиликларни тўқиш жараёнлари дарслари билан боғлаб олиб боради, натижада ўқитувчи техника ва фандаги янгиликларни ўқувчиларга етказди.

10. Умумли меҳнат асосида ўқитиш - айрим педагогика назариятчилари ўқитишни умумли меҳнат билан қўшиб олиб бориб бўлмайди, деган фикрни илгари сурган эдилар. Тўқиш жараёнлари машғулотларида бажариладиган ишлар машқ асосида ошиб борилса етарли бўлади, деган нотўғри фикрни ҳам илгари сурган эдилар. Лекин ҳаёт шуни кўрсатдики, бу фикр нотўғри, яъни ўқувчи ўз меҳнатининг пировард якунини кўргандагина, унда меҳнатга қизиқиш ҳамда меҳнат кишисига ҳурмат ортиши исботланган. Шунинг учун ҳам тўқиш жараёнлари машғулотлари умумли меҳнат асосида олиб борилмоқда.

ТЎҚИШ ТЎГАРАГИ МАШЎУЛОТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Жаҳон талабларига жавоб берувчи замонавий мутахассисларни тайёрлаш бевосита ўқитувчининг илмий-методик потенциали, касбий маҳорати унинг маъсулияти ва ташаббускорлигига боғлиқ. Ушбу ўринда бўлажак мутахассиснинг касбий шаклланишига хизмат қилувчи машғулотларни олиб боровчи фан ўқитувчисининг касбий маҳорат даражаси муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўқитувчининг машғулотларни ташкиллаштиришдаги кўп қиррали фаолиятини бир ёки икки кўрсаткич ёрдамида тавсифлаб бўлмайди. Ўқув ишлари ўқитувчининг педагогик маҳоратини тавсифловчи асосий кўрсаткич саналади. Ўз навбатида

Ўқитувчининг педагогик маҳорати ўтилаётган дарслар сифати билан белгиланади. Бу ўринда очик машғулотларни ташкиллаштириш методларни тўғри жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Дарс тўқиш тўғараги раҳбарининг педагогик фаолиятини таҳлил қилиш, уларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштиришнинг муҳим шаклларида бири саналади.

Тўқиш тўғараги машғулотларини кузатишда ўқув муассаси педагогик ва метод кенгаши ҳамда тегишли фан бўйича метод кенгаш аъзоси бўлган ўқитувчилар иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлади. Очик машғулотлар ўқитувчиларнинг таълим методларини тўғри танлаши ва ўз ўрнида қўллаши, янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланишига оид тажрибаларини ўрганиш асосига қурилади. Тажрибаларга кўра тўғарак раҳбарининг машғулотларни ташкил қилишдаги фаолияти қуйидаги 4 гуруҳ кўрсаткичлар асосида самарали баҳоланиши мумкин:

1. Машғулотнинг ташкилий жиҳатдан талабга жавоб бериш даражаси.
2. Машғулот учун танланган таълим методларининг талабга жавоб бериш даражаси.
3. Оғзаки таълим методларидан фойдаланиш.
4. Амалий таълим методларини қўллаш.

Таълим методи тушунчасининг моҳияти ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро биргаликдаги фаолияти аниқ мақсадли, бошқарилувчи жараён эканлигини таъкидлайди. Шу сабабли биринчи кўрсаткич сифатида методларга оид қайд этилган икки асосий тушунча: мақсаднинг аниқ белгиланиши ва бошқарилувчанликни таъминлаш учун аввало машғулотнинг ташкилий жиҳатдан талабга жавоб бериш даражасини киритилди.

Барча фанларда бўлгани каби тўқиш жараёнлари машғулотлари ҳам турли методларни қўллаган ҳолда ташкиллаштириладиган машғулот бўлгани учун иккинчи кўрсаткич сифатида бу методларни тўғри танланганлигини олинди.

Мос равишда танлаб олинadиган методларсиз ўқитиш жараёни мақсад ва вазифаларини ҳал этишга ёки ўқувчилар томонидан ўқув материални ўзлаштирилишига эришиб бўлмайди.

Тўқиш жараёнларининг айнан ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, булардан асосийси машғулотларнинг асосан амалий тарзда

ташқиллаштирилиши билан изоҳланади. Бу талабнинг бажарилиши учун назарий ва амалий таълим методлари нисбати тўғри белгиланиши ҳамда дидактик талаблар асосида амалга оширилиши лозим бўлади.

Шу каби хусусиятларнинг тўғарак раҳбарлари томонидан тўғри амалга оширилишини ўрганиш учун қайд этилган учинчи ва тўртинчи кўрсаткичларни киритилди.

Қуйида санаб ўтилган кўрсаткичлар мазмунига ҳақида тўхталиб ўтилган:

1. Машғулотнинг ташкилий жиҳатдан талабга жавоб бериш даражаси қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида ўрнатилади:

1.1. Машғулотнинг ўз вақтида бошланаши. Машғулотга ўз вақтида келиш ва машғулотнинг ўз вақтида бошланаши ўқитувчи интизомини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

1.2. Тўқиш хонасининг машғулотга тайёргарлик даражаси. Тоза, озода ва шинам бўлган тўқиш хонаси машғулотнинг мароқли ўтилишини таъминлайдиган омиллардан бири.

1.3. Машғулот журнаlines юритилиши. Ҳар бир тўғарак раҳбари машғулот журналида давоматни, ўтилаётган машғулот мавзусини, уйга бериладиган вазифа ва топшириқларни қайд қилиб бориши зарур.

1.4. Давомат даражаси. Ўқувчиларнинг машғулотларга қатнашиш даражаси уларнинг ўқитувчи томонидан машғулотнинг ташқиллаштирилиши, унинг қизиқарлилиги ва самардорлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

1.5. Машғулотга сабабсиз қатнашмаётган ўқувчиларга нисбатан кўрилаётган чора. Ўқувчининг сабабсиз машғулотга келмаслиги, бир томондан унинг тўқишга бўлган масъулиятсизлиги ва лоқайдлилиги билан белгиланса, иккинчи томондан ўқитувчининг машғулот мавзусини ўқувчига етказиш даражаси ўқувчиларни қониқтирмаётганлиги ёки қолдирилган дарсларни қўшимча равишда ўзлаштириш ўқитувчи томондан талаб қилинмаётганлиги билан изоҳланиши мумкин.

1.6. Машғулот жараёнида ўқувчиларнинг интизоми ва фаоллик даражаси. Машғулот талаб даражасида ўтилгандагина синф хонасида тартиб ва ўқувчилар фаоллиги таъминланади.

Ўқувчиларнинг вақти-вақти билан дарс мавзусига оид саволлар билан мурожаат қилиши, ўз мулоҳазаларини баён қилиши дарс

жараёнидаги фаоллик ва интизомнинг мавжудлигидан далолат беради.

2. Машғулоти учун танланган таълим методларининг талабга жавоб бериш даражаси қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида ўрнатилади:

2.1. Машғулоти ишланмасининг мавжудлиги ва унга фан метод уюшма тавсиясининг борлиги.

2.2. Машғулоти мавзусининг «Ўқув режаси ва дастури талабларига мос тушиш даражаси. Ўқув режасига биноан ўқитилаётган фанлар ҳафталар бўйича тақсимланган бўлиб, дарс жадвали қайд этилган соатларга асосланган ҳолда ўтилмоғи лозим.

2.3. Таълим методининг илмий-назарий савияси ва замонавийлик даражаси. Машғулоти учун танланган таълим методи ўзида ҳозирги замон муаммоларини ўз акс эттириши лозим. Акс ҳолда танланган метод эскирган, давр талабига жавоб бермайдиган даражада бўлади. Бундай ҳол ўқитувчининг ўз устида ишламаётганлигидан далолат беради.

2.4. Таълим методининг қабул қилинувчанлик даражаси. Машғулоти ишланмаси матни раво, аниқ ва содда тилда ёзилиши зарур. Шундагина у ўқувчиларга тушунарли қилиб етказилиши мумкин.

2.5. Таълим методларининг тарбиявий таъсир даражаси. Ўқитувчи ўқувчиларда касбий кўникма ва малакаларини шакллантириши билан бирга уни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаши лозим. Буни машғулоти мавзуси билан боғлаган ҳолда, фанга оид тушунчалар билан уйғун равишда амалга ошириш лозим.

3. Оғзаки таълим методларидан фойдаланишда ўқитишдаги анъанавий усуллардан (дарсни дидактик тартибда ўтказиш, суҳбат, муаммоли вазиятлар уюштириш, тест ва амалий ўйинларни қўллаш каби педагогик технология элементларидан фойдаланиш)га ўтиш ўқувчиларнинг касб таълимига бўлган бўлган қизиқишини янада оширади. Шу нуқтаи назардан, оғзаки таълим методларига баҳо беришда қуйидаги кўрсаткичларга эътибор берилади:

3.1. Мавзунинг баён қилиш сифати, унинг муаммоли ўтиш даражаси. Диктовка тарзида ўтиладиган дарс унинг фаоллигини таъминламайди, талабаларни мулоқотга чорламайди. Натижада дарс ўта қизиқарсиз ва зерикарли ўтади.

Машғулоти суҳбат шаклида уюштириш ўқитиш

самарадорлиги оширади, ўқувчиларнинг эса мавзуни қабул қилувчанлигини бир неча баравар кўпроқ таъминланади.

3.2. Дарс ўтиш жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан боғланиш даражаси. Ўқитувчи ўқувчиларнинг юксак интизомини таъминлаган ҳолда машғулоти давомида у ёки бу мулоҳазалар билан баҳслашишга чорлаб бориши лозим. Бирорта ўқувчи машғулоти вақтида мавзуга оид бўлмаган иш билан машғул бўлмаслиги керак.

3.3. Дарс ўтиш жараёнида кургазмали қурооллар, техника воситалари ва ахборот технологияларини қўллаш даражаси. Машғулотининг жозибали ва кургазмали ўтиши кўп жиҳатдан ўқитувчининг машғулоти жараёнида жадвал, схема, диаграммалар, альбом ва бошқа дидактик материаллардан фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Жадвал, схема ва диаграммаларни доскага чизиб курсатиш ўқувчиларнинг қабул қилувчанлик даражасини оширсада, лекин уларни чизиш ўқитувчининг вақтини олади. Натижада мазкур мавзу учун ажратилган вақтда ўтилиши лозим бўлган саволлар ўтилмай қолади.

4. Амалий таълим методларини қўллаш. Ўқув материалининг характериға кур тўқиш бўйича амалий машғулотлар бошқа ўқув предметларидан фарқ қилади, бу эса таълим методларидан фойдаланишда қатор ўзига хос хусусиятларни келтириб чиқаради. Тўғарак раҳбарлари томонидан бу хусусиятларни тўғри эътиборға олинаятганлиги қуйидаги курсаткичлар асосида баҳоланади:

4.1. Амалий таълим методларидан фойдаланишда ўқитувчи маҳорати қуйидаги омиллар орқали баҳоланади: машғулоти вазифаларининг бажарилишини режалаштириш, тезкор рағбатлантириш, йўлланма бериш ва назорат қилиш, йўл қўйилган камчиликлар сабабларини аниқлаш, таълим мақсадиға тўла эришилишни таъминлаш учун тегишли тузатишлар киритиб боришға эришилиши.

4.2. Амалий машғулотларда йўриқнома (инструктаж) беришни тўғри ташкил этилганлиги. Ҳар қандай машғулотлар давомида кириш, жорий ва якуний йўриқнома берилиши шарт. Йўриқнома беришда унга нисбатан қўйиладиган дидактик талабларға амал қилиниши, оғзаки тушунтириш ва намуналарни намойиш қилиш, шунингдек, бажарилган иш таҳлили тўғри йўлга қўйилиши лозим.

4.4. Амалий машқларнинг тўғри ташкиллаштирилиши. Машқлар касбий кўникма ва малакаларини шакллантирилишнинг

негизи ҳисобланади. Иш ўрнини ташкил қилишга, асбобни созлашга, дастлабки меҳнат усуллари ва ҳаракатларини ўзлаштиришга, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга доир машқлар мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Ўқитувчи бу борадаги хусусиятларни тўғри англай олиши ва амалий қўллаши машғулоти самарадорлигининг муҳим белгиси ҳисобланади.

4.3. Амалий методлар асосида ўтиладиган машғулотларнинг такомиллашганлик даражаси ўқувчиларнинг буюм тўқишда тегишли иш қуроллари ҳамда мосламалардан, товуш ёзувчи ва намойиш этувчи ускуналар, жумладан компьютерлар ёрдамида машқлар бажаришдан ўринли фойдаланиши билан белгиланади.

Тўқишни ўргатиш дарси якунида фан метод уюшмасининг махсус йиғилиши ўтказилиб, ўқитувчи фаолияти барча кўрсаткичлар бўйича муҳокама қилинади.

Метод уюшма йиғилиши қарорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган амалий тадбирлар ва эришилган ютуқларни оммалаштиришга оид ишлар аниқ бандларда акс эттирилади.

ТЎҚИШ ТЎГАРАГИ ЖАРАЁНИДА КАСБГА ЙЎЛЛАШ ИШЛАРИ

Табиат ва жамият ҳодисалари, ишлаб чиқариш жараёнлари кўпинча шу қадар мураккабки, буларни бир илм-фан доирасида тавсифлаш мумкин эмас. Мактабда ўрганилаётган кўпгина факт ва қонунлар ўзаро боғлиқ ҳолда аниқ рўёбга чиқарилган тақдирдагина ўзлаштирилиши мумкин. Мисол учун касбга йўналтириш масаласини олиб кўрайлик.

Касб танлаш жараёни ижтимоий аҳамият касб этсада, декин унинг ортида жисмоний индивидуал шахс туради.

Касбий маслаҳат – касбга йўллашнинг моҳиятини инсон онгига чуқурроқ сингдириш учун, шахснинг иштиёқи ва қобилиятларига мос касб – ҳунар (ихтисос) танлаши учун муҳим объектив ва субъектив шарт-шароит яратиш жараёнидир. Касб эгалловчи эҳтиёжи, ўқитувчининг касбий масъулиятидан келиб чиққан ҳолда илмий-амалий хусусиятли йўлланмалар бериш жараёнидир. Маслаҳат ўзининг мақсадга йўналганлиги, изчиллиги, объективлиги, ахборотлар билан тўйинганлиги билан алоҳида

ажралиб туриш керак.

Касб танлашга таъсир қилувчи асосий омиллар моҳияти қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

1) Таълим-тарбия тизимида касбга йўллаш фаолиятининг (тадбир ва чораларнинг) мазмуни ва методикалари мажмуи мукаммал равишда мужассамланганлиги.

Мактаб (қайси турдалигидан катъий назар) маъмурияти, синф раҳбарлари, амалий психолог ва касбга йўлловчи фан ўқитувчиларининг иш режасида мазкур масала жой олганлиги. Шунингдек, муаммога тааллуқли ишлар, тадбирлар изчил амалга оширилиб турилиши, уларнинг таъсирчанлигига эътиборни ортиши туфайли ўқувчи ёшлар орасида бу соҳада тасаввур қўламининг кенгайиши;

2) Ўқувчиларни касб танлашга ўргатишда ўқитувчилар жамоаси фаолияти ҳамкорлиги ва самарадорлиги.

Алоҳида олинган фан ўқитувчилари ва турдош фанларнинг намоёндалари жамланмаси ҳамкорлик иш режасида касбга йўллаш масаласининг изчил равишда қўйилиши, ҳар бир мавзу бўйича мулоҳаза алмашишда, қайси фан бўлишидан катъий назар ихтисосга оид билимларга эътибор берилиши касбий тасаввурни вужудга келтиради. Касб-ҳунар моҳияти билан танишиш унга нисбатан қизиқишни уйғотади, мустақил билим олишга иштиёқ пайдо бўлади ва одат маромига айлана боради. Махсус тадбирлар ўтказилиши, касб нуфузи билан таништирилиши касбий мотивлар ва мотивацияларни такомиллаштиради, мойиллик туйғусини уйғотади.

3) Синф раҳбарининг ота-оналар билан ҳамкорлиги онгли касб танлаши негизи эканлиги.

Синф раҳбари ота-оналар билан индивидуал ва гуруҳлик ҳамкорликни амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қилса, юқори кўрсаткичга эришиш мумкин: бунда ўқув фанининг касб танлаш билан боғлиқлиги, касбнинг нуфузи, касб танлашнинг психологик асослари, касбга нисбатан қизиқиш, ҳавас, қобилият, истеъдодкасбга йўллашнинг асосий мақсади ва вазифалари, кадрларга ва мутахассисларга нисбатан эҳтиёж даражалари, касбнинг ижтимоий аҳамияти, лаёқатининг умумий ва хусусий кўринишлари, ўқувчилар индивидуал хусусиятлари, касб танлашнинг илмий манбаалари, мактаб психологининг бу соҳадаги функцияси ва бошқалар ўз вақтида бажарилганда.

4) Касб танлашда ёшлар ташкилотининг иштироки. Ёшлар ташкилоти

Муаммонинг муҳимлиги, ёшларни касбга йўналтиришга оид бир қанча амалий масалаларни шошилиш равишда ҳал қилишнинг зарурлиги ҳозирги вақтда кўплаб мутахассислар: педагоглар, психологлар, врачлар, иқтисодчилар, социологлар ва ғоят хилма-хил соҳаларда ишловчи амалиётчи ходимларнинг эътиборини ўзига жалб этди. Бу борада кўплаб мутахассисларнинг иштирок этиши ва иш олиб бориши муаммони тўғри ва комплекс тарзда ҳал этиш учун замин ва шароитлар яратиб беради, албатта.

Шу билан бирга бу мутахассисларнинг ҳар бири тўла аниқ маълумот олган, муайян иш тажрибасига эга ходимлардир. Шу боисдан улар касбга йўналтириш соҳасидаги ўз фаолиятида ўзларига маълум бўлган методларга, муаммога ёндашув усулларига ҳамда идрок қилиш услуби ва шу кабиларга таянадилар. Бу эса баъзан уларда тушунчаларнинг айрим атамаларидан фойдаданишда зиддиятлар туғдирибгина қолмай, касбга йўналтириш мақсад ва вазифаларининг қўйилишида бир қанча амалий масалаларини тушуниб олишда бу борада яқдилликнинг бузилишига ҳам олиб келмоқда. Шу сабабдан ҳам касбга йўналтиришнинг оид билимлар мазмунининг ягона системасини ҳамда касбга йўналтириш методологиясини ишлаб чиқиш касбга йўналтириш соҳасида бундан буён муваффақиятли иш олиб боришнинг муҳим шартидир.

Мактаб ўқувчиларини касбга йўналтириш муаммосига оид эълон қилинган асарларнинг танқидий таҳлили ва оммавий мактаблар тажрибасини умумлаштириш асосида ўқувчиларнинг эътиборини ёш авлодга меҳнат тарбияси бериш ва уларни касбга йўналтиришга доир етарли даражада яхши ишлаб чиқилмаган бир қанча муаммоларга алоҳида қаратиш лозим. Булар:

а) юқори синфларнинг ўқувчиларини ишчи касбларига ҳисобга олиб, умумтаълим мактаблари учун касбга йўналтириш тадбирларини ишлаб чиқиш;

б) минтақа шароитларини, миллий анъаналарини ҳисобга олиб, умумтаълим мактаблари учун касбга йўналтириш тадбирларини ишлаб чиқиш;

в) Касбга йўналтириш вазифаларини амалга ошириш билан 5-7; 8-9; 10-11 синфлар ўқувчиларнинг умумий меҳнат, политехник

йўналиши ва касбий тайёргарлиги ўртасида узвий алоқанинг йўқлиги муаммоларидир.

Ўрта Осиё жумҳуриятлари учун етарли даражада назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган ана шу муаммоларни ҳал қилиш керак бўлади. Бу масалаларда мамлакатимиз пахтачилик ўлкасининг минтақа хусусиятларини, миллий анъаналарини ва тарихий тажрибасини ҳисобга олиш лозим бўлади. Иккинчи томондан эса фан-техника тараққиётининг ҳозирги талаблари асосида мактаб ёшларига меҳнат тарбияси бериш ва уларни ишчи касбларини эгаллашга йўналтириш шакл ва методларини такомиллаштиришнинг янги йўллари қидиришга тўғри келади.

Касбга йўналтириш ишида иқтисодий муаммолар муҳим ўрин тутади. Булар орасида халқ хўжалигини ривожлантириш ва кадр муаммолари алоҳида аҳамият касб этади. Бу масалаларни касбга йўналтириш жиҳатлари билан ўзаро боғлиқ тарзда талабаларнинг мустақил машғулотларида кўриб чиқиши тавсия этилади.

Ҳозирги фан-техника ва ижтимоий тараққиёт шароитида ёш авлодни жамият барпо этишда фаол қатнашишга тайёрлаш лозим бўлган мактабнинг роли ҳар қачонгидан кўра ўсди.

Шу муносабат билан ўқувчиларга илм-фан асосларининг мустаҳкам билимларини сингдириш, уларда юксак онглиликни тарбиялаш, умуминсоний ахлоқийликни шакиллантириш, ёш авлодни турмушга ва меҳнатга, ижтимоий зарур касбларни онгли равишда танлашга тайёрлаш таълим ва тарбиянинг ҳамма босқичларида ҳозирги мактабнинг вазифаларидир.

Касбни тўғри танлаш - инсон турмушида муҳим қадамдир, ёш авлоднинг бутун ҳаётидаги муваффақият кўп жиҳатдан касбнинг қанчалик тўғри танланишига боғлиқ.

Касбни тўғри танлаш ҳар бир мактаб ўқувчисининг объектив важларига, қизиқишига, майлига, қобилиятига ва имкониятларига мос бўлиши учун унинг соғлигини, ўзлаштиришини ва ҳиссиётларини ҳисобга олиш лозим, булар ижтимоий фойдали ва унумли меҳнатда ҳаммадан кўра кўпроқ қарор топади ва намоён бўлади.

Одам бажараётган ишларига ижодий муносабатда бўлиб, меҳнат унумдорлигини доимо ошириб борса, танлаган касбига зўр қизиқиш билан қараса, ўз ишининг ижтимоий аҳамиятини тушунса, унинг қобилиятлари меҳнатда такомиллашиб борса, ўшандагина у меҳнатдан қониқиш ҳосил қилади ва хурсанд бўлади бундай ҳолда

ҳар бир шахс жамиятга энг кўп наф келтиради.

Мана шу айтган гаплардан касб танлашнинг ғоят муҳим ижтимоий аҳамияти келиб чиқади. Одам шуғулланаётган ишини яхши кўрса, бундан у хурсанд бўлади, қониқиш ҳосил қилади, зўр ташаббус кўрсатади, толиқмай меҳнат унумини оширади.

Мактаб ўқувчиларининг касб танлаши онгли зарурият бўлиши ва аини вақтда жамият мафаатларига мос бўлиб тушиши, йигит ва қизларнинг камолот йўлида шахсий мудаоларини қондирилиши лозим. Бунинг учун юксак даражада маълумотли бўлиш зарур, ҳозирги асримизда бундай маълумотсиз фан-техника иддам тараққий этиши мумкин эмас. Умуммеҳнат ва махсус малакаларни, касбга бўлган қизиқишларини шакиллантиришнинг бундай имкониятлари объектив заминга эга бўлиб, воқеликда ҳар кун амалга оширилмоқда.

Саноат тез ривожланганлиги, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электирлаштириш борасида катта қадамлар қўйилганлиги, илм-фан, техникани ва маданиятни юксалтириш соҳасидаги муваффақиятлар бир томондан, ёшларнинг қизиқишларига ва қобилиятларига мувофиқ, иккинчи томондан халқ хўжалиги талаб-эҳтиёжларига асосан касб танлашлари учун амалий жиҳатдан чекланмаган имкониятлар яратди; умумий таълим мактабида меҳнат политехника таълими шароитида касбга йўналтириш муаммосини ижобий ҳал қилиш учун барча шарт-шароитлар вужудга келтирилди.

Касбга йўналтириш ўқувчиларга политехник маълумот бериш масалалари билан, касб танлаш эса муайян билим даражаси билан чамбарчас боғлиқдир,

Ёш авлодда меҳнатга ижодий муносабатда бўлишни тарбиялаш муҳимдир. Ижодкорлик инсон фаолиятига умуман хос нарсадир. қобилиятларини ҳар томонлама камол топтириш учун имконият мавжуд бўлади, чунки ўқувчилар ёшлигиданоқ меҳнатга қизиқиб қоладилар: улар ўз ўйинларида ота-оналарига, атроф-теваракдаги кишиларга тақлид қиладилар, уларнинг меҳнат ҳаракатларини такрорлайдилар. Фаолиятга ана шунда интилиш, катталарнинг меҳнатида тақлид қилиш ўқувчиларга мактабгача ёшдаёқ ҳаммабоп меҳнат малакаларини сингдириш учун қулай омил бўлиб хизмат қилади.

Касбларнинг типлари

Меҳнат предметиға қараб барча касблар бешта типға

бўлинади.

1. «Одам — табиат». Бу ерда меҳнатнинг асосий, етакчи предмети жонли табиатдир. Бу типга, масалан, қуйидаги касблар киради: уруғшунос, мевасабзавотшунос, давлат уруғчилик инспекциясининг лаборанти, мастер-чорвадор, химик-бактериологик анализ лаборанти, зоотехник, агроном.

«Одам-табиат» типдаги касблардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

ўсимликлар организми меҳнат предмети бўлган касблар;

хайвонлар организми меҳнат предмети бўлган касблар;

микроорганизмлар меҳнат предмети бўлган касблар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган бўлиниш «одам-табиат» типдаги касбга мансуб бўлган кишилар меҳнати фақат эслатиб ўтилган предметларгагина қаратилган бўлади, деган маънони англатмайди, албатта. Ўсимликшунослар, масалан, коллектив орасида ишлайдилар, хилма-хил техникадан фойдаланадилар, уларнинг ўз меҳнатларини ҳисобга олиш, унга иқтисодий баҳо бериш масалалари билан ҳам шуғулланишларига тўғри келади, лекин бари бир ўсимликшуносларнинг диққат-эътиборини жалб этадиган ва улар ғамхўрлик қиладиган асосий ирредмет — бу ўсимликлар ва улар ўсадиган муҳит ҳисобланади.

Мазкур тилдаги касбни танлаш вақтида сиз ўзингиз табиатга қандай муносабатда бўлишингиз жуда муҳим аҳамиятга эгадир: сиз унга дам оладиган, кўнгил хушлик қиладиган жой деб қарайсизми ёки ўзингизни бутун куч-ғайратингизни бирор маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф этишга шайланаётган устахона деб қарайсизми? Бу саволга жавоб бериш учун одам ўзини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, жонли табиатга алоқадор ижтимоий фойдали меҳнат жараёнида ёки тегишли тўғарақлар, кизиқиш бўйича тузилган группаларнинг машғулотларида қатнашиб синаб кўриши мумкин.

«Одам-табиат» типдаги касбларни танлаш вақтида ҳисобга олиш зарур бўлган яна бир жиҳат бор. Меҳнатнинг биологик объектларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар (ўз ички қонуниятларига кўра) мураккаб, ўзгарувчан ва ностандарт бўлади. Ўсимликлар ҳам, жониворлар ҳам, микроорганизмлар ҳам дунёга келиб яшайдилар, ўсадилар, ривожланадилар. Шунингдек касалликка чалинадилар ва ҳалок бўлади. Бу соҳада ишлайдиган ходим тирик организмлар тўғрисида жуда кўп нарсаларни шунчаки билибгина қолмай, шу билан бирга кўпинча

муқаррар равишда содир бўладиган ёки содир бўлиши эҳтимол тутилган ўзгаришларни ҳам олдиндан кўра билиши керак. Конкрет меҳнат вазифаларини ҳал қилиш вақтида одамдан ташаббускорлик ва мустақиллик талаб қилинади, у табиатга нисбатан ғамхўр ва узоқни кўра оладиган киши бўлиши керак.

2. «Одам-техника». Бундай касблар типидида меҳнатнинг асосий етакчи предмети техника объектлари (машиналар, механизмлар ва бошқа шунга ўхшашлар), материаллар, энергия турларидан иборат бўлади. Жонсиз табиат объектлари (Ер ости бойликлари, тупроқ, сув, ўрмон ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) ҳам кўп жihatдан шуларга ўхшаган бўлади.

Бу ерда ходимларнинг меҳнати фақат техникагагина қаратилиб қолмайди, албатта. Чунончи, троллейбус ҳайдовчиси иш вақтида пассажирлар билан мулоқотга киришади, кран машинисти (кранчи) қишлоқ хўжалик ҳайвонлари қамалган қафасчани ортиш билан машғул бўлиши мумкин ва ҳоказо. Лекин бари-бир мазкур ҳолатларда ходимларнинг профессионал диққат-эътибори қаратиладиган ва улар ғамхўрлик қиладиган етакчи предмет техника объектлари ва уларнинг хусусиятлари бўлиб қолаверади.

«Одам-техника» типидидаги касблардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

қазиб олинган тупроқ, тоғ жинсларига ишлов бериш билан боғлиқ бўлган касблар: проходкачи, бульдозер машинисти, бурғулат қурилмасининг дизелисти, кон техниги, инженер ва шунга ўхшашлар;

нометалл саноат материаллари, буюмлар, чала маҳсулотларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган касблар: дурадгор, кенг профилдаги оптик, тўқувчи, тикувчи мотористка, инженер-технолог ва бошқалар;

металл ишлаб чиқариш ва унга ишлов бериш, машиналарни, приборларни механик усулда йиғиш ва монтаж қилиш билан боғлиқ бўлган касблар: токаръ, программа билан бошқариладиган станоклар оператори, слесаръ-асбобсоз, техник-металлург, ярим автомат машиналарда электр билан пайвандловчи ва ҳоказо;

технология машиналари, жихозлари, транспорт воситаларини ремонт қилиш, созлаш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касблар: ремонтчи-слесаръ, технологик жихозлар созловчиси, инженер-механик ва бошқалар;

бинолар, иншоотлар, конструкцияларни монтаж, ремонт

қилиш билан боғлиқ бўлган касблар: арматурачи-бетончи, қўлда ишлатиладиган асбоб билан кавшарловчи-электр пайвандловчи, слесарь кема ремонтчиси, архитектор ва бошқалар;

электр жиҳозларини, приборларни ва аппаратларни йиғиш, монтаж қилиш билан боғлиқ бўлган касблар: кема электр монтажчиси, радиоаппаратлар ва приборлар монтажчиси, микросхемаларни йиғувчи, соатсоз йиғувчи, инженер-физик ва бошқалар.

электр жиҳозлари, приборлар, аппаратлар ремонти, созланиши ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касблар: радио ва телевизион аппаратларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг ремонти бўйича радиомеханик, электрослесарь, программа билан бошқариладиган станокларни созловчи, электр алоқалари техниги, радиофизик ва бошқалар;

юк кўтариш, транспорт воситаларини қўлланиш ва уларни бошқариш билан боғлиқ бўлган касблар: автомобиль ҳайдовчиси, докер-механизатор, граждан авиациясининг учувчиси, автомобиль транспортидан фойдаланиш инженери ва бошқалар; ,

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган касблар: ошпаз, нонвой, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича инженертехнолог ва бошқалар.

Техника объектларини қайта ишлаш, ўзгартириш, қайта жойлаштириш ёки баҳолашда ходимдан нихоятда аниқ ишлаш, ўз хатти-ҳаракатларида қатъиятли бўлиш талаб қилинади. Модомики техника объектлари амалда ҳар доим одамнинг ўз қўли билан яратилар экан, техника оламида новаторлик, фикр-мулоҳаза қилиб кўриш учун, техника ижодкорлигини намойиш қилиш учун айниқса катта имкониятлар мавжуддир. Ишга ижодий ёндашиш билан бир қаторда техника соҳасида (хуллас, бошқа ҳамма жойда ҳам) одамдан юксак даражада ижрочилик интзоми талаб қилинади.

3. «Одам-одам». Бу ерда асосий меҳнат предмети одамлардир. Мазкур меҳнат соҳасида майллар, қизиқишлар қай даражада эканини аниқлашда ўқув предметларидан ташқари, сиз шахсан ўзингиз жамоат ишларида, коллектив равишда ўтказилган тадбирларни ташкил этишда иштирок этиб орттирган тажрибаларингиз ҳам ёрдам беради.

Мазкур типга кирадиган қуйидаги касбларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

одамларни ўқитиш ва тарбиялаш билан, ўқувчилар

коллективларини уюштириш билан боғлиқ бўлган касблар: мактабгача тарбия муассасаси тарбиячиси, ишлаб чиқариш таълими мастери, ўқитувчи ва бошқалар;

ишлаб чиқаришни бошқариш, оламларга, коллективларга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ бўлган касблар: автотранспорт корхонасининг диспетчери, ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инженер экономист ва бошқалар;

маиший, савдо хизмати кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касблар: сотувчи, сартарош, комплекс қабул пунктида буюртмаларни қабул қилувчи ва бошқалар;

ахборот хизмати кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касблар, шаҳарлараро алоқа телефонисткаси, справкалар бюросининг ходими, экскурсовод ва бошқалар;

одамларга информацион-бадий хизмат кўрсатиш ҳамда бадий коллективларга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ бўлган касблар: клуб ходими, дирижёр ва бошқалар;

медицина хизмати кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касблар: фельдшер, медицина ҳамшираси, врач ва бошқалар.

«Одам-одам» типдаги касбларга оид меҳнатнинг асосий мазмуни одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатишидан иборатдир. Бундай бир-бирига таъсир кўрсатишнинг муҳим қисми ўзаро муносабатлар ҳисобланади.

Мазкур типдаги касб бўйича муваффақиятли ишлаш учун одамлар билан алоқага киришиш ва улар билан доимий равишда мулоқотда бўлишни, одамларни тушунишни, уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиб муомала қилишни ўрганиб олиш керак, шунингдек, ишлаб чиқариш, фан, техника, саръат ва бошқа шу сингари тегишли соҳага оид билимларни эгаллаб олиш лозим.

Одамлар билан ишаш унчалик осон ишлардан эмас. Мисол учун сотувчилик касбини олиб кўрайлик. Сотувчи иш вақтида минут сайин янги-янги одамлар билан муомала қилиши керак. Харидорлар ҳар хил бўлади: улар орасида ўта синчковлари ҳам, мол танлашда иккиланиб турадиганлари ҳам, ҳаддан ташқари кўп гапирадиганлари ҳам учраб туради ва ҳоказо. Харидорлар билан муомала қила олиш эса сотувчининг вазифасидир.

Бу ерда сотувчига ўзига хос истеъдод: оғир-вазмин, хушмуомала, хушфеъл бўлиш маҳорати зарур бўлади.

«Одам — одам» типдаги касб танлаш учун жуда муҳим ва зарур бўлган шахсий фазилатларнинг қисқача рўйхати

қуйидагилардан иборат:

одамлар билан ишлаш жараёнида барқарор яхши кайфиятда бўлиш;

одамлар билан муомалада бўлишга ўзида эҳтиёж сезиш, жамоат, оталиқ ишларида сидқидилдан иштирок этиш;

бошқа кишиларнинг ниятни, ўй-фикрларини, кайфиятини тушуна олиш, фикран ўзини бошқа кишининг ўрнига кўйиб кўриш қобилияти;

одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тезда билиб олиш, кўпчилик кишиларнинг шахсий фазилатларини яхши тушуниш ва билиш маҳоратига эга бўлиш;

турли кишилар билан умумий тил топа олиш.

4. «Одам-белгили система». Касбларнинг бу типидида шартли белгилар, рақамлар, кодлар, табиий ёки сунъий тиллар асосий етакчи меҳнат предмети ҳисобланади. Ҳозирги замон кишиси белгилар ва белги системалари дунёсида — текстлар, чизмалар, схемалар, карталар, жадваллар, формулалар, йўл белгилари ичида яшайди. Бинобарин, буларнинг ҳаммасини биладиган тегишли мутахассислар ҳам зарур.

«Одам-белгили система» типидидаги касблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

хужжатларни (она тилида ёки чет тилида) расмийлаштириш, иш юритиш, текстлар ва уларнинг қайта ёзилиши, қайта кодлаштирилиши билан боғлиқ бўлган касблар: таржимон, секретарь-машинистка, телеграфчи, техник редактор ва бошқалар;

сонлар, миқдорий нисбатлар меҳнат предмети ҳисобланган касблар: ҳисоблаш машиналарининг оператори, контролёр-кассир, программист, бухгалтер, техник-плановик ва бошқалар;

шартли белгилар системаси, объектларнинг схематик тасвирий кўринишидаги информацияларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган касблар: чизмачи, топограф, техник-геодезист, инженер ва бошқалар.

Мазкур типдаги касбларнинг бирортасида муваффақиятли ишлаш учун мана шу белгилар оламига, сиртдан қараганда қуруқ белги бўлиб кўринадиган оламга ҳаёлан шўнғиб кетадиган, теварак-атрофни ўраб олган ҳаётдаги предметли хусусиятларни бирдан унута оладиган ва бутун диққат-эътиборни у ёки бу белгидан иборат маълумотларга қарата оладиган даражадаги алоҳида қобилият зарур бўлади. Шартли белгилар шаклидаги

информацияларни қайта ишлаш вақтида маълумотларни контрол қилиш, текшириш, ҳисобга олиш, қайта ишлаш вазифаси, шунингдек, янги-янги белгилар, белги системаларини яратиш вазифаси пайдо бўлади.

«Одам — бадиий образ». Касбларнинг бу типда бадиий образлар, уларнинг тузилиш усуллари етакчи меҳнат предмети ҳисобланади. Бу ерда қуйидаги касбларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

тасвирий фаолият билан боғлиқ бўлган касблар: бадиий мебеллар ишлаб чиқариш бўйича дурадгор, тошга ўйиб гул солувчи, ёки электротехниги (театрда), пойабзал канструктор модельёри, график-рассом ва бошқалар;

музика фаолияти билан боғлиқ бўлган касблар: пианино ва роялларни созловчи, оркестр артисти, композитор ва бошқалар;

адабий-бадиий фаолият билан боғлиқ бўлган касблар: бадиий адабиёт редактори, адабий ходим ва бошқалар;

актёрлик-сахна фаолияти билан боғлиқ бўлган касблар: театр артисти, эстрада артисти ва бошқалар.

«Одам бадиий образ» типдаги касбларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, ходим амалга оширган, сарф қилган меҳнатининг анчагина қисми ташқи томондан қараган кишининг кузига кўринмай, яширинча қолади. Бундан ташқари, меҳнатнинг сўнги натижасига эришиш учун, яъни ижронинг енгил, зўриқмасдан бажарилиши ва ўйналаётган ролнинг табиий чиқиши учун кўпинча махсус куч-ғайрат сарф қилишга тўғри келади. Чунончи, сахнада бор-йўғи бир неча минут давом этадиган томошани кўрсатиш учун артист ҳар куни бир неча соатлаб меҳнат қилиши керак.

II БЎЛИМ. ТЎҚИШ ТЎГАРАГИ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

ТЎГАРАК ЎТКАЗИШ УЧУН МОДДИЙ ТАЪМИНОТ

Тўқиш тўғаракларида ўқув машғулот хоналари ва уларга қўйиладиган талаблар. Тўқиш тўғараги учун кенг, барча қулайликларни ўзида мужассамлаштирган, сунъий ва табиий ёритилган ҳамда яхши вентиляция билан таъминланган хоналар ажратилади. Хонага ёруғлик чап томондан тушадиган бўлса, янада яхши бўлади.

Машғулот ўтиладиган хонада столлар, стуллар (ёруғликнинг тушишини ҳисобга олган ҳолда) иккитадан ўқувчи учун мўлжалланиб, ёки давра қуриб ўтиришга мўлжалланиб, айлана ёки тўртбурчак шаклида қатор терилади. Стуллар ўқувчиларнинг бемалол ҳаракатланишларини, ўқитувчининг уларни ҳар бири яқинига келиб, улар билан алоҳида ишлай олишлари учун қулай бўлишини таъминлайдиган ҳолатда қатор терилади. Столларда сурилиб чиқадиган тортмалар бўлса, у ерга ип ўрамларини иш пайтида қўйса қулай бўлади. Шунингдек, стол-стуллар ўқувчиларнинг ихтиёрларига қараб, эркин, улар истаган ҳолатларида ҳам жойлаштирилиши мумкин. Ўқувчиларнинг толиқиб қолмасликларини таъминлаш, уларга қулайлик яратиш мақсадида стуллар суянчиқли, шунингдек, юмшоқ ўриндиқли бўлиши лозим.

Машғулот ўтиладиган хонада шкафлар, ойна, доска, маникен, дазмол тахтаси, дазмол кабиларнинг бўлиши машғулотларнинг мазмунли ўтишига имкон яратади. Буюмларни ва ипларни ўлчаш учун тарози бўлиши ҳам мумкин.

Тўқув жиҳоз ва мосламалари. Ҳар бир ўқувчи ўзи фойдаланиши учун керакли жиҳоз ва мосламалар, ипларни ўзи сотиб олади.

Тўғарак раҳбари ўқувчиларни тўқув жиҳоз ва мосламалари билан батафсил таништира олиши учун керакли бўлган барча буюмлар, жиҳоз ва мосламаларнинг тўлиқ тўпламига эга бўлиши шарт. Бу буюмлар тўплами доимо машғулот ўтиладиган хонада, шкафда сақланади. Шунингдек, ип, пилтакаш, керакли жиҳоз, мосламалар турлари ва намуналари тасвирланган рангли кўргазма стендларнинг машғулот хоналарида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Тўғарак раҳбари машғулотларда фойдаланиладиган керакли адабиётлар, кўргазмалар, намуналар, нусхалар ва хоказолар билан бир қаторда бир нечта ортиқча тўқув жиҳоз ва мосламалари, тўқув

иплари билан таъминланган бўлиши керак. Булар зарур вақтларда тўғарак аъзолари фойдаланишларини таъминлаш учун сақланади.

Пилтакаш асосий қўлда тўқув жиҳози ҳисобланиб, у ёғочдан, суякдан, пластмассада, пўлатдан ясалади. Янги ўрганувчилар учун пўлатдан ясалган пилтакашда фойдаланиш тавсия этилади. Пилтакаш учлари хаддан зиёд ўткир учли ёки жуда тўмтоқ бўлмаслигига, сиртининг текис эканлигига аҳамият берган ҳолда уларни сотиб олинади. Пилтакашлар йўғон ингичкалигига қараб рақамланади. Унинг рақами шу пилтакашнинг диаметрига тенг бўлади, яъни диаметри 2 см бўлган пилтакашнинг рақами иккинчи ва ҳоказо бўлади. Пилтакашлар доимо ипнинг йўғонлигига мослаб танланади. Шунингдек, тўқиладиган чок турининг хусусиятлари ҳам ҳисобга олиниши лозим. Тўғарак аъзолари турли рақамли, турлича шаклли пилтакашлар сотиб олоқлари лозим. Уларнинг ҳар биридан керакли ўринларда фойдаланадилар. Оддий, зич, текис тўқима тўқиш учун бир жуфт 30-35 см узунликдаги пилтакашлар керак бўлади. Пайпоқ, қўлқоплар тўқиш учун эса икки учли 5 дона калта пилтакашлар керак бўлади. Катта ўлчамда айлана бўйлаб тўқишда, масалан, юбкалар, реглан бичимли кофталар, бўйин ўмизининг бошлаб тўқиладиган кийимлар ва шу кабиларни тўқишда икки учли узун пилтакашлардан фойдаланилади. Бундай пилтакашлар бири иккинчисига леска, елим найчалар ёрдамида туташтирилган бўлиб, тўқишни осон бажаришга мўлжалланган.

Қўлда тўқиш учун турли иплардан фойдаланилади. Улар сунъий ёки табиий толалардан тайёрланган бўлади. Пахта ёки жундан тайёрланган иплар табиий толали иплар туркумига киради. Сунъий толалардан тайёрланган акрил иплар тўқишда энг кўп фойдаланиладиган ип турлари ҳисобланади. Тўқув иплари турли йўғонликда пишитилиш (буралганлик) даражаси турлича ҳолларда сотувга чиқарилади. Тўқилган буюмнинг сифати танланган ип тури ва пилтакашнинг сифатига жуда боғлиқ бўлади.

Қўшимча иш қуроллардан илгак, қайчи, махсус игналар ва сантиметрли лента керак бўлади.

Тўғарак раҳбарида турли хил тўқиладиган иплар намуналари бўлиши керак, ип хоссалари билан тўғарак қатнашчиларини таништириши керак. Ип сифатли ва асбобнинг тўғри танланганлигида ишнинг самарали ва сифатли чиқиши кўринади. Ўқувчи ноқулай сифатсиз асбоблардан (қайрилаган занглаган ва бошқалар) фойдаланишга йўл қўймаслик керак, шунингдек,

сифатсиз иплардан (чириган тугунлари кўп ва бошқалар) ҳам фойдаланиши керак эмас.

Ўқув-кўргазма материаллари. Булар, хилма хил чок турлари намуналари, тайёр кийим, ип ва пилтакаш турлари намуналаридир. Бу ўқув кўргазма материаллари ёрдамида тўгарак раҳбари ўқувчиларни тўгаракда ўрганиладиган ўқув дастури билан таништиради. Шунингдек, ҳар бир машғулот мобайнида, айниқса, янги мавзунини баён этишда тўгарак раҳбари бу ўқув кўргазмалардан кенг фойдаланади. Тўқилган ўқув кўргазма материалларини тайёрлашда тиниқ, очиқ рангли иплардан фойдаланиш ишни хатосиз тўғри бажариш шарт. Ўқув кўргазма материалларининг сифатли ва чиройли бажарилганлиги, ўқувчиларнинг бу буюмни тўқишни ўрганишга бўлган қизиқишларини янада оширади ва уларни шу кўргазмадаги каби сифатли, чиройли иш бажаришга йўллайди.

Ўқув кўргазма материаллари доимо янги намуналар билан бойитила борилади. Бу ишга ўқувчиларни ҳам жалб этиш керак. Ўқувчиларга намуна кўргазма тайёрлаш масъулиятини юклаш уларда ўз-ўзига ишонч, мукамалликка интилиш, қийинчиликларни енгиб ўта олиш хусусиятларини шакллантиради. Ўқитувчи ижтимоий фойдали меҳнатга ўқувчиларни жалб этиши, турли нусхалар намуналаридан иборат бўлган альбомлар тайёрлашда қатнашишлари, кийим ва буюмлар намуналарини тайёрлашлари, тўгарак аъзоларидан бироз орқада қолаётган, машғулотларни ўзлаштиришда қийналаётган ўқувчиларга ёрдамлашишлари каби ишларга илғор ўқувчиларни жалб этишлари керак.

Тўгарак раҳбари кўргазма материали сифатида фойдаланиши учун чок турлари ва уларни тўқишнинг шартли ифодалари келтирилган альбом, кийим деталларини алоҳида-алоҳида андозаси, чизмаси, ҳисоблаш жадвали келтирилган альбом, мавзуга оид рангли расмлар билан безатилган альбом кабилар билан қуролланган бўлиши ва улардан машғулотлар жараёнида фойдаланиши лозим. Шунингдек, турли рангли расмлар журналлар, китоблар, бирон буюмни бажарилиш тартиби ва тафсилотига методик қўлланмаларнинг тарқатма бўлиши машғулотни янада самарали бўлишини таъминлайди.

Тўқиш хоналарида хавфсизлик қоидалари. Бу қоидалар билан ўқитувчи тўгарак машғулотларининг биринчи куниданок ўқувчиларни таништириши керак. Қўлда тўқиш жараёнида

Ўқувчилар учли, тиғли жиҳозлар билан, шунингдек, электр жиҳозлари билан ишлайдилар. Иш жараёнида ўқувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ҳар бир ўқувчи меҳнат хавфсизлиги қоидалари билан алоҳида таништирилади. А шу ҳақида меҳнат хавфсизлиги қоидалари журналида қайд этилади.

Иш жойлари ёнига ўзига мос бўлган меҳнат хавфсизлиги қоидалари осиб қўйилади. Хонада албатта бахтсиз ходиса рўй берганда зарур бўладиган биринчи ёрдам воситалари допи қутиси бўлиши керак. Дори қути ёнида яқин даволаш масканининг манзили ва унга бориш чизмаси осиб қўйилган жадвал туриши керак.

Тўғарак хонасида қуйидаги талаблар бўлиши керак:

1. Хонадан тугарак раҳбари руҳсати билан чиқилади.
2. Иш ўринлари тартибли ва озода сақланиши керак.
3. Техника хавфсизлиги ва санитария қоидаларига риоя қилишлари керак.
4. Хонадага асбоблар ва мосламалар эътибор ва эҳтиёткорлик билан қўлланилиши лозим.
5. Машғулотдан кейин ҳамма ўз ўрнини тозалаб ва тартиблаб қўйиш шарт.

Тўғарак машғулотни навбатчисининг вазифалари:

1. Хона жиҳозларидан фойдаланиладиган асбоблар-мосламаларни, хонани сарамжонлигини текшириш.
2. Амалий ишнинг тартибли бажарилишини кузатиб бориш.
3. Иш ўрнини йиғиштириш ва хонани шамоллатиш.

Тўғарак раҳбари пилтакаш, игна, тўноғич, қайчикаби учли буюмлар билан ишлаганда эҳтиёт чораларини кўришлик, кўзга жуда яқин ушламаслик, махсус ғилофларда сақлаш кераклиги ҳақида йўриқнома беради. Ҳаддан ташқари ўткир учли пилтакашдан фойдаланиш бармоқларни ўйиб юбориши мумкин. Шунинг учун улардан фойдаланмаслик кераклиги тушунтирилади. Уларнинг учини эгов ёрдамида бироз тўмтоқлаштириш йўллари ўргатилади.

Тайёр кийим деталларига нам иссиқлик ишлови бериш учун дазмолдан фойдаланилади.

Электр дазмолда ишлашда техника хавфсизлик қоидалари:

1. Дазмолни электр тармоғига улашдан олдин шнур изоляцияси текширилиши, улашда ва узишда қўл қуруқ бўлиши керак.
2. Электр дазмол қизиганини бармоқ тегизиб текширилмайди.

3. Электр дазмол кезиб кетишига, симини айланиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди.
4. Ишлаётганда шнур дазмолга тегиб турмаслиги керак.
5. Дазмол қизиб кетмаслигига эътибор бериш керак.
6. Дазмолда ишлаётганда оёқ тагида резина тўшама бўлиши керак.
7. Бузуқ дазмол электр тармоғидан узиб қўйилиши лозим.
8. Иш тугагандан кейин дазмол шнурларини электрдан узиб қўйиш лозим.
9. Дазмол разетка вилкаси бузуқ бўлса монтёр чақириб лозим.
10. Дазмолни тик ҳолда қўйиш ёки махсус таглик устига қўйиш лозим.
11. Дазмолни бекорга ёқилган ҳолда қолдирмаслик, бундай қилинган ҳолларда содир бўлиши мумкин бўлган воқеалар ҳақида раҳбар гапириб бериши лозим.

Тўғаракларни ташкил этишда тўғарак раҳбарлари қуйидаги талабларга риоя қилишлари керак:

1. Тўғарак машғулотларини соғлом ва хавфсиз шароитда ўтказишга қаратилган чора тадбирларини кўриш.
2. Меҳнат хавфсизлигига доир қоидалар кўзда тутилган шароитлар мавжуд бўлган амалий ишларни ўтказиш.
3. Иш ўринлари, асбоб-ускуналар, жихозлар хавфсиз аҳволда бўлишини.
4. Хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга чора тадбирлар ишлаб чиқиш.
5. Хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга чора тадбирлар ишлаб чиқиш.
6. Тўғарак аъзоларида меҳнат хавфсизлигидан йўриқнома бериш, бу ҳақида журналга расмийлаштириш.

№	Йўриқнома олувчининг исми-шарифи	Тўғарак Номи	Муддат	Йўриқнома Ўтказган шахс- нинг исми-ша- рифи, лавозими	Йўриқнома мазмун	Йўриқнома олувчи имзоси	Йўриқнома ўтказувчи имзоси
1	2	3	4	5	6	7	8

--	--	--	--	--	--	--	--

ПИЛТАКАШДА ТЎҚИШНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

ҲАЛҚАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ТЕРИШНИ ЎРГАТИШ

Мақсад: Ўқувчиларни тўқиш техникаси билан таништириш, бошланғич қатор ҳалқа териш, ўнг ва терс ҳалқаларни ҳамда охириги ҳалқани пухталаш ўргатилади.


Тартиби: пилтакаш турлари ҳақида маълумот берилади. Бошланғич қатор ҳалқа териш кетма-кетлигини ва бажарилиш техникасини тушунтирилади. Кейин ўнг ҳалқаларни ҳосил қилиш усуллари ўргатилади. Бу ҳалқани икки хил усулда ҳосил қилиш (ўнг ва х-симон) мумкин. Ўнг ҳалқа ҳосил қилишни 1-усулига тўхташ мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи четки ҳалқаларни тўқишни ўргатади. Кейинчалик ўқувчилар терс ҳалқалар ҳосил қилиш техникаси билан танишадилари. Бу тўқиш турининг ҳам 2 усули бор (терс ва тескари терс). Бунда ҳам 1- усулга тўхтаймиз. Ўқитувчи четки қатор ҳалқаларни ёпиш (пухталаш) техникасини ўргатади, тўқишни кўрсатиб беради.

Тўғарак қатнашчилари амалиётни бошлашади, ўқитувчи ҳар бир ўқувчини назорат қилади. Аввалом ўқувчиларни зичроқ ўрамли тўқишга ўргатиш керак. Ҳалқалар орасида пилтакаш эркин ҳаракт қилиши, 2-пилтакаш эса бу ҳалқалардан ўтмаслиги керак. Ўқитувчи аниқ мисоллар орқали пилтакаш тартиби ҳақида маълумот бериб, аҳамият ва тури, ҳалқа ҳосил қилинишини тушунтиради. Агарда ўқувчилар жуда ҳам зич ёки бўш тўқисалар, уларга бу хатоликларини тузатишга ёрдам берилади.

Биринчи дарсданок қоматни тутишга аҳамият берилиши керак. Ўқувчининг қоматини тўғри тутиб, қўли (тирсак букилиши) ва бармоқларнинг ишлаши уларнинг тўғри ҳаракт қилишига аҳамият берилади.

Қўлда тўқишда қўлланиладиган асосий жихоз бу – пилтакашдир. Пилтакашнинг турли-туман хиллари мавжуд (1-расм). Улар турли маътериалдан, турли ўлчамда, турлича шаклда

тайёрланган бўлиши мумкин. Масалан: металдан (алюминли, темирли, пўлатли), ёғочдан (бамбук, қайин), пласмассадан тайёрланган пилтакашлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар биридан ўз ўрнида фойдаланиш лозим. Жумладан алюминий металидан тайёрланган пилтакашдан оқ ёки очик рангдаги ипларни тўқишда фойдаланиш мумкин эмас, чунки улардан фойдаланиш жараёнида бундай пилтакашлар ипни ва бармоқларни қорайтириб юборади. Лекин улар бошқа металл пилтакашларга нисбатдан енгиллиги билан афзал. Пластмассали пилтакашлардан енгил, майин ипларни тўқишдагина фойдаланилмаса, улар тезда синиб кетади.



1-расм

Пилтакашлар икки учли ёки бир учли бўлади. Улар турли йўғонликда ишлаб чиқарилади. Пилтакашнинг диаметри унинг рақами ҳисобланади. Масалан, диаметри 2,5 мм бўлган пилтакаш – икки яриминчи рақамли пилтакаш ҳисобланади ва ҳоказо. Амалда кўпроқ диаметри 1,5 мм дан 3,5 мм гача бўлган 350 мм узунликдаги пилтакашлар кенг қўлланилади.

Катта ўлчамдаги буюм ёки кийимни тўқишда бир-бирига ингичка енгил сим ёки найча ёрдамида туташтирилган пилтакашлардан фойдаланиш анча қулай.

Айлана бўйлаб тўқиш, яъни қўлқоп, пайпоқда диаметри 1-1,5 мм ли, узунлиги 150 мм атрофида бўлган икки учли пилтакашлар (одатда улар 5 дона бўлади) керак бўлади.

Бирон нарса тўқишга киришишдан аввал тўқиладиган ипга мослаб, пилтакаш танлаш шарт, чунки тўқиладиган кийим ёки буюмларнинг сифатли чиқиши бевосита пилтакашнинг тўғри танланганлигига боғлиқ. Пилтакашнинг рақами билан ипнинг

қалинлиги ўртасида боғлиқлик бўлиши керак, яъни ипни икки қават қилиб, ўлчаганимизда пилтакаш қалинлиги билан тенг бўлиши керак. Шундагина, пилтакаш ипга мос, тўғри танланган ҳисобланади.


Бундан ташқари, пилтакашнинг сирти жуда силлиқ бўлиши, учлари хаддан зиёд тўмтоқ ёки жуда учли бўлиб, бармоқларни шикастлайдиган бўлмаслиги лозим. Симли, найчали пилтакашларда уларнинг бириктирилган жойлари силлиқ, ҳалқалар ҳаракатланганда ипни титиб юбормайдиган бўлиши керак.

Ҳар бир нарсани тўқиш – бошланғич қатор ҳалқаларини теришдан бошланади. Бунинг бир неча усуллари бўлиб, булар: бир ипга ҳавойи ҳалқа олиш; икки ипли ҳалқа терш, йўғон милкли, тўрсимон милкли ҳалқа териш усуллари.

Энг содда ҳалқа териш усули – бу *бир ипли ҳавойи ҳалқа териш усули* бўлиб, у қуйидагича бажарилади. Ўнг қўлга битта пилтакаш олиниб, чап қўл билан ип бураб, ҳалқа ҳолида келтирилади ва пилтакашга кийдирилади.


Икки ипли ҳалқа териш усули: Бу усул энг кенг қўлланиладиган усул бўлиб бу қуйидагича бажарилади. Ип учидан ушлаб, чап қўлнинг ёзилган кафтига ташланади. Ипнинг учидан тортиб, бош бармоққа соат милклари йўналишига тескари йўналишда ўралади. Сўнг ип учини букилган кўрсаткич бармоққа илиб олинади. Ип учларини бирлаштириб, қолган 3 та бармоқларни букалади. Ўнг қўлга иккита пилтакашни жуфтлаб ушланади ва бош бармоққа ўралган ҳалқа орасидан пилтакаш учлари киритилади, сўнгра кўрсаткич бармоққа илинган ипни ўраб, ўзимизга томон тортиб, бош бармоқдаги ҳалқа орасидан тортиб чиқилади, сўнг бош бармоқдаги ҳалқани қўйиб юборилади. Пилтакашда ҳосил бўлган ҳалқанинг ипларини икки томонга тортиб зичланади. Чап кафтни ўзимизга қаратиб, ўнг қўлдаги ҳалқали пилтакашни ўзимизга қаратиб, пастга торталади ва янги ҳалқа ҳосил қилиш учун яна ўша амалларни қайта бажарилади. Пилтакашда қатор терилган ҳалқалар ҳосил бўлади.

Йўғон милкли ҳалқа териш усули:




Бу усулда халқани теришда бош бармоққа ўралган ип қалинлиги 2-3 қават қилиб олинади. Кўрсаткич бармоқдаги ип эса, бир қаватлигича қолади. Натижада халқалар бир қаватли, пастки ўрам эса бир неча қаватли йўғон бўлади ва жуда чиройли бортма мулк ҳосил бўлади.

2-расм




Тўқишга киришилганда халқалар терилган икки пилтакашнинг бири суғурилиб олинади. Бундай разм солсак, пилтакашга қатор терилган халқалар олд ва орқа деворчалардан иборатлиги кўринади. Бир халқа билан иккинчи халқа орасидаги қисми ўтилма дейилади (2- расм).

3-расм



Ўнг ва терс халқа териш усуллари. Тўқишга киришда, биринчи халқани тўқимасдан ўнг пилтакашга кўчириб, ечиб олинади, ва кейинги халқадан тўқиш бошланади (3-расм).




Ўнг халқа тўқишнинг икки усули бўлиб, биринчи усул олд деворча орқали қуйидагича бажарилади: ўнг қўлдаги пилтакаш учи билан чап қўлдаги пилтакашда қатор терилган халқанинг олд деворчаси орқали халқа орасидан ўтиб, копток ипдан тортилган ипни илиб олинади ва ораликдан тортиб чиқилади (4- а, расм).

4-расм

Чап қўлдаги пилтакашга терилган халқаларнинг ҳаммаси тўқиб бўлингач, чап қўлдаги бўш қолган пилтакаш ўнг қўлга олинади. Ўнг қўлдаги тўқилган халқали пилтакаш эса чап қўлга олиниб, тўқиш қайтадан бошланади. Ва шу тартибда тўқиш давом эттирилади.


Бундай тўқилган ўрилиш «рўмол» нусха чок деб аталади ва у қуйидаги кўринишга эга бўлади (5-расм).




Ўнг ҳалқа тўқишнинг иккинчи усули: орқа деворча орқали тўқиш усуллари қуйидагича бажарилади (4-б расм). Ўнг қўлдаги пилтакаш учи билан чап қўлдаги пилтакашдаги ҳалқанинг орқа деворчаси орқали копток ипдан илиниб ҳалқа оралиғидан ўтиб, янги ҳалқа ҳосил қилинади.

Терс ҳалқа тўқишнинг ҳам икки усули бўлиб, улар: орқа деворча орқали терс ҳалқа тўқиш ва олд деворча орқали терс ҳалқа тўқиш усулларидир. Уларни бажариш қуйидаги расмларда яққол кўрсатилган. Олд (6-а расм) ёки орқа (6-б расм) деворча орқали тўқиш усуллари қўллаш орқали турли кўринишли ўрилишга эга бўлинади. Масалан, бир қатор ўнг, ва бир қатор терс тўқиш йўли билан ҳосил қилинадиган “пайпок” нусха чокнинг кўринишига назар солсак, бунинг исботини кўриш мумкин. (7-а,б расм).

5-расм



6-расм



7-расм

ТЎҚИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ШАРТЛИ

БЕЛГИЛАРНИ ЎРГАТИШ

б

Мақсад: ўқувчиларга тўқишда қўлланиладиган чок турларини шартли белгилар асосида тўқишни ўргатиш.

Тартиби: ўқитувчи ўқувчиларга буюм намуналарини кўрсатиб, ундаги чоклар ҳақида маълумот беради ва бундай чокларни тўқишда шартли белгилардан фойдаланиш йўлларини тушунтириб беради. Шартли белгиларни чизмаси доскага осиб қўйилади, ҳар бир шартли белгини тўқиб ҳосил қилиш йўли амалда кўрсатилади.

Турли чокларнинг тўқилишини аниқ ифодалаш учун ҳалқаларнинг шартли ифодаларидан фойдаланилади.

Ўнг ҳалқанинг шартли ифодаси - |

Терс ҳалқанинг шартли ифодаси - —

Тўқишда биринчи қатор пастда қолгани учун қаторлар тартиби ҳам пастдан юқорига қараб ўсиб боради. Шунингдек, тўқиш ўнгдан чапга қарата йўналгани учун тўқиш тартиби каби шартли ифодаларда ҳам, чапдан ўнгга тартибида белгиланади.

	4 – қатор
	3 – қатор
	2 – қатор
	1 – қатор

Энди бир қатор ҳамма ҳалқаларни ўнг, кейинги қатор ҳамма ҳалқаларни терс тўқиш йўли билан «пайпоқ» нусха чокни ҳосил қилинади. Бу чокни шартли ифодаси қуйидагича бўлади.

4 – қатор	— — —	
		3 - қатор
2 – қатор	— — —	
		1 – қатор
	3 2 1	

Шартли ифодаларда – четки милк ҳалқалар ҳисобга кирмайди. Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, шартли ифодалар тўқиладиган нусханинг ўнг томонини ифодалайди. Шартли ифоданинг «изоҳ» қисмида шартли ифодада кўрсатилмаган барча қаторларда қандай иш бажарилиши (яъни қайси чок тўқилиши) ҳақидаги маълумот берилган бўлади. Шу сабабли тўқишда қўлланиладиган бошқа услубларнинг ҳам шартли ифодаси 2.1-жадвалда берилган. Улар

ёрдамида турли услубларда тўқилган чок турларини ифодалашни ўрганилади.

Турли чокларнинг тўқилишини шартли белгилар ёрдамида ифодалашда 2 хил усул қўлланилади. 1-усул ишнинг тўқилиш бўйича шартли ифодаси бўлса, 2-усул ишнинг кўриниши (яъни полотно ўнг томонидаги кўриши) бўйича ифодаси деб аталади. Кўпгина адабиётларда 2-усул қўлланилади. 1-усулда шартли белгиларда ифодалашда қайси халқа қандай тўқилиши лозим бўлса, шу белги қўйилиб ифодаланади. Масалан, пайпоқ нусха чок (1-қатор ўнг, 2-қатор терс тўқиб ҳосил қилинади) нинг кўриниши ва тўқилиш бўйича шартли ифодаланишида бу ифодалар ҳамма чоклардаги каби бир - биридан фарқли бўлади.

Кўриниши бўйича
шартли ифода “К”
| | | 2-қатор
| | | 1-қатор

Тўқилиши бўйича
шартли ифода “Т”
2-қатор — — —
| | | 1-қатор

Изоҳ: кейинги қаторларда нусха бўйича тўқинг.

Шартли ифодалашда қайси усулдан фойдаланилганлигини, яъни қандай тўқиш кераклигини билиш учун қаторларнинг жойлашувига эътибор беришнинг ўзи кифоя. Кўриниши бўйича шартли ифодалашда қаторлар (1,2,3 ...) ифоданинг бир томонига тартиб билан, пастдан юқорига томон жойлашган бўлади. Тўқилиш бўйича шартли ифодалаш усулида эса, тоқ қаторлар ифоданинг ўнг томонида, жуфт қаторлар ифоданинг чап томонида берилган бўлади ва қандай тўқилиши керак бўлса шу белги қўйилган бўлади. Шартли ифодаларнинг юқорисида қўйилган К. ёки Т. белгилар эса, ишнинг кўриниш (К) ёки тўқилиш (Т) бўйича ифодаси эканлигини билдириб туради.

2.1-жадвал

Шартли белгиси	Халқанинг номи
----------------	----------------

	Ўнг ҳалқа
—	Терс ҳалқа
●	Хомаки ҳалқа
◐ (v)	Кўчирилган ҳалқа (ип ишнинг орқасида)
◑	Кўчирилган ҳалқа (ип ишнинг олдида)
▴	2 та ҳалқадан битта ўнг тўқиш (олд деворча орқали)
▾	2 та ҳалқадан битта ўнг тўқиш (орқа деворча орқали)
▲	3 та ҳалқадан битта ўнг тўқиш
∨	Битта ҳалқадан 2 та ўнг тўқиш
∕∕	Битта ҳалқадан 3 та ўнг тўқиш
↘ 5	Биттадан бешта ўнг тўқиш
↙	Ўнгга оғдирилган чирмов
↘	Чапга оғдирилган чирмов
└─┐	Иккита ва ундан ортиқ ҳалқани чапга оғдирилган чирмов
└─┘	Иккита ва ундан ортиқ ҳалқани ўнгга оғдирилган чирмов

Шартли ифодада ва тўқилиш тартиби ёзилган йўриқномаларда «*» юлдузча кўринишдаги белгига ҳам дуч келинади. Бу белги жуда аҳамиятли бўлиб, шу юлдузча қўйилган ва тугалланган оралиқдаги тўқилиш ҳалқалар тугагунча такрорланади деган маънони англатади.

Юлдузчадан олдинги ёки ундан кейинги тўқилишлар фақат қатор боши ёки охирида бажарилади. Масалан, 80 та ҳалқа терилди ва қуйидаги шартли ифода асосида ишланди.

1-қатор. 1-қаторда 2 та ўнг, 2та терс. Яъни «*» юлдузчагача бўлган ўрилиш фақат қатор бошида бажарилади;

юлдузча «*» оралиғидаги * 4 та ўнг, 1 та хомаки; 2 тадан битта ўнг * ўрилиш бўлиб, бу токи 80 та ҳалқа тугагунча қайтариб тўқилаверади: қатор охирида эса 1 та терс 1 та ўнг тўқилади.

| — * ● |||| * — || 1-қатор


ХОМАКИ ВА КЎЧИРИЛГАН ҲАЛҚАЛАРНИ ТЎҚИШ УСУЛЛАРИНИ ЎРГАТИШ

Мақсад: ўқувчиларга хомаки ва кўчирилган ҳалқаларни тўқишни ва уларни амалда қўллашни ўргатиш.

Тартиби: ўқитувчи тўқилган буюмлар намунасидан кўргазма тайёрлаб, бу намуналарда ишлатилган чок турларидан мунозара уюштириши, чокларни модел кўринишига таъсири ҳақида суҳбатлашиши мумкин. Намунадаги чокларни бирма-бир тўқиш усули билан таништиради.

Хомаки ҳалқалар. Хомаки ҳалқа тўқишнинг икки усули бўлиб, булардан биринчисини ўнг хомаки дейилади ва у қуйидагича бажарилади. Ўнг пилтакаш учи билан ип пастдан юқорига соат миллари йўналиши бўйлаб ўраб олинади (8-а расм).

Терс хомаки тўқишда эса, аксинча, юқоридан пастга, соат миллари йўналишига тескари йўналишда пилтакаш учлари ипни илиб ҳаракатланади (8-б расм).



Хомаки ҳалқалар ҳисобига ҳалқалар сони биттага ортади. Шу сабабли ҳар бир хомаки ҳалқа тўқилганда ундан олдин ёки кейин 2 та ҳалқадан битта тўқиш керак бўлади. Бу ҳалқаларнинг умумий сонини ўзгаришсиз қолишига имкон беради. Хомаки ҳалқалар кейинги қаторда кўпинча терс қилиб тўқилади. Шунини ҳам айтиб

ўтиш керакки, ҳомаки ҳалқалар иштирокида тўқилган чокларда ҳар бир ҳомаки ҳалқа ўрнида тешикча ҳосил бўлади (ўнг ҳомаки олинганда).


Бу эса турли хил кўз-кўз тешикли тўрсимон нафис нусхалар тўқиш имконини беради. Агар ҳомаки ҳалқа ёрдамида ҳосил қилинадиган тешикчанинг каттароқ чиқиши учун икки ва ундан ортиқ ҳомаки тўқиш керак бўлади.

Ҳомаки ҳалқа тўқиб кийимларда тугма учун изма (ҳалқа) очиш ҳам мумкин.


Кўчирилган ҳалқалар. Баъзан чап пилтакашдаги ҳалқа ўнг пилтакашга тўқилмасдан шундайлигича кўчириб ўтказилади ва у кўчирилган ҳалқа дейилади. Кўчирилган ҳалқани тўқишнинг 2 хил усули бўлиб, 1-усулда чап пилтакашдаги ҳалқа ўнг пилтакашга тўқимай кўчирилади, ишчи ип ҳалқанинг орқа томонида қолади (9-а расм).

2-усулда эса чап пилтакашдаги ҳалқа ўнг пилтакашга тўқимасдан кўчириб олинади. Ишчи ип эса ишнинг олд томонида қолади (9-б расм).

Кўчирилган ҳалқа тўқилаётган ҳалқалардан бироз узунлиги билан ажралиб туради. Сезиларли фарқланадиган узун кўчирилган ҳалқани тўқиш учун, ўнг пилтакашни чапдан ўнгга қаратиб ҳалқага киритилади (ишчи ип кўрсаткич бармоқ устида бўлади) ва пилтакаш учига соат милага қарши йўналишда бир неча марта ип ўраб олинади (10-расм).



9-расм



10-расм.

Кейин ип ўралган пилтакашни яна ҳалқа ичига тортиб киритилади. Бунда ўралган иплар пилтакашдан сирғалиб тушиб кетмаслигига аҳамият бериш зарур ва тўқилган ҳалқани чап пилтакашдан ўнг пилтакашга кўчирилади. Кейинги қаторларда пилтакашни ўнгдан чапга қарата киритиб, ип ўрами тўқилмай кўчирилади.